

М.Х. АҲМЕДОВА, К.А. ГАЮБОВА

Ўзбек тили

Тошкент-2019

1. ВАТАНИМ – ВИЖДОНИМ, ҒУРУРИМ, ОРИМ

1-топширик. Шеърни ўқинг.

БУЮК ЎЗБЕКИСТОН

Ёр юзида миллат кўп,
Зурмиз деган давлат кўп.
Бир улка бор гўзал хўб,
Дунёга донғи дoston,
Бу – буюк Ўзбекистон!

443
А 98

Дарёлари Зарафшон,
Тоғларида олтин кон,
Кукатлари тугар дон,
Дунёга донғи дoston,
Бу – буюк Ўзбекистон!

Тошкент тенгсиз, ягона,
Ҳатто кенти Афсона,
Самарқанддай афсона,
Дунёга донғи дoston,
Бу – буюк Ўзбекистон!

Ўзбек халки чоғ, шоддир,
Мангу эркин, озоддир,
Жойи жаннат, ободдир,
Дунёга донғи дoston,
Бу – буюк Ўзбекистон!

Кураши ёзди қанот,
Гўжинглар “Нексия” от,
Ҳар жабҳада кашфиёт,



Дунёга донғи достон,
Бу – буюк Ўзбекистон!

Олдда ойдин манзиллар,
Пойида унар гуллар,
Васфин куйлар булбуллар,
Дунёга донғи достон,
Бу – буюк Ўзбекистон!

Асрор Мўмин

Луғат

Кент - городок
Чоғ, шод - веселый
Гижингламоқ – здесь: рваться вперед
Ҳар жабҳада – во всех сферах
Унмоқ - расти
Васфини куйламоқ - воспевать

2-топширик. Шеър мазмунини сўзлаб беринг. Бунда қуйидаги таянч сўз ва сўз бирикмаларидан фойдаланишингиз мумкин.

Бир ўлка, донғи достон, кон, доп, тенгсиз, ўзбек халқи, эркин, обод, кураш, кашфиёт, ойдин.

3-топширик. Қуйидаги гапларни тўлдилинг.

Намуна: *Олмалиқ, Ангрэн, Чирчиқ, Янгийўл шаҳарлари Тошкент вилоятида жойлашган.*

1. Жондор, Когон, Шофиркон ... 2. Ангор, Бойсун, Денов... 3. Учқўрғон, Чортоқ, Чуст... 4. Боғот, Шовот, Янгиариқ... 5. Қўнғирот, Мўйнок, Тўрткўл

4-топширик. Сиз вояга етган вилоят, шаҳар, туман мустақиллик йилларида қандай узгаргани ҳақида кичик ҳикоя тузинг.

5-топширик. Мустақиллик байрамини сиз ким билан, қаерда ва қандай ўтказганингиз ҳақида суҳбат қулинг.

6-топширик. Суҳбат асосида дафтариингизга кичик ҳикоя ёзинг.

7-топширик. Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳиясини ёддан ифодали ўқинг ва жур булиб куйланг.

8-топширик. Мадҳия мазмуни бунинча саволларга жавоб беринг:

Мадҳиянинг биринчи, иккинчи мисраларини изоҳланг.

Нима учун муаллиф «олтин водийлар» бирикмасини қўллаган?

Диёримиз оламни қандай қилиб ёки нимаси билан “махлиё айлаган”?

Нима учун айпан “эркин, ёш авлодлар” Ватанимиз қанотидир?

9-топширик. Қуйидаги сўзларнинг маъносини луғатлардан фойдаланиб изоҳланг:

Хур, нажот, маҳлиё, бағри кенг, иймон, жуш урмоқ, машъал.

10. Матини ўқинг. Нима учун муаллиф чуқур ўйга толганини тушунтириб беринг.

САМАРҚАНДГА БОРГАНМИСИЗ?

Ҳиндистонга бориб келган бир танишим билан *суҳбатлашиб қолдим*. У гаассуроғларини ҳаяжон, завқ билан *гапириб берди*. «Тоғмаҳални томоша қилиб, Шарқ меъморчилиқ санъатининг бу ноёб намунасига ҳайрат билан *термулиб қолдик*, — деди суҳбатдошим. Бизнинг ҳайратимизни кузатиб турган маҳаллий кишилардан бири “Сизлар қаердан келгансизлар?” деб сўради. Ўзбекистондан, аниқроғи, Тошкентдан эканимизни айтдик. Шунда ҳалиги киши яна сўради: “Ўзбекистондан булсангиз, Самарқанд билан Бухорони кўргансиз?” Очиги, мен ҳалигача Самарқандга ҳам, Бухорога ҳам бормаган эдим. Ёлғон гапиролмадим. Жавобимни эшитиб ҳалиги ҳинд афсус билан *бош чайқади*: “Олдингизда турган Самарқанду Бухорони кўрмагансиз?.. Демак, шу боис бунга ҳайратланиб қараётган экансизда... Менимча, бу ерларга келишдан аввал ёнингиздаги қадим Самарқанд билан Бухорони *зиёрат қилишингиз лозим эди*”.

Танишим уша ҳинднинг гапи жуда қаттиқ таъсир қилганини, энди албатта, Самарқанд билан Бухорони бориб куришини айтди.

Рости, танишимнинг гапи мени чуқур *ўйга толдирди*... (М.Ҳазраткулов)

11-топширик. Матндаги ажратилган кесимларни кўчириб ёзинг, таржима қилинг, уларнинг ироқида гаплар тузинг.

12-топшириқ. Сиз мамлакатимизнинг қайси шаҳарларида бўлгансиз, улар қандай таассурот қолдирган? Шу мавзуда дўстларингиз билан суҳбатлашинг.

13-топшириқ. Нукталар урнига тегишли қўшимчаларни қўйинг. Мақолларни ёзиб олинг, уларнинг маъносини ўз сўзингиз билан тушунтириб бering.

1. Она юрт... — олтин бешигинг. 2. Она юртинг омон бўлса, ранги-руй... сомон бўлмас. 3. Эл... айрилгунча жоп... айрил. 4. Булбул гул... севар, одам ватан...5. Юрт... айрилган... ёв чопади.

14-топшириқ. Матини ўқинг ва рус тилига таржима қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ТИЗИМИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йилларида ривожланган демократик давлат тизимига ўтди. Бу тизимда давлат шакли уч қисмга бўлинади: бошқарув шакли, давлат тузилиши шакли ва сиёсий режим.

Ўзбекистон Республикаси бошқарув шакли бўйича президентлик-парламентлик республикасидир. Давлат тузилишининг шакли оддий, лекин мураккаблик элементларига эга. Чунки мамлакатимиз таркибига Қорақалпоғистон Республикаси ҳам киради. Сиёсий режим шаклига қўра эса Ўзбекистон демократик давлатдир.

Ҳокимият қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига бўлинади.

Қонун чиқарувчи ҳокимият Ўзбекистон Республикасининг Парламенти — Олий Мажлис бўлиб, у икки палатадан: қуйи палата ва Сенатдан иборат.

Ижро этувчи органлар қуйидагилар: Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, маҳаллий ҳокимият органлари (ҳокимиятлар), маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари (маҳалла қўмиталари).

Суд тизими қуйидагилардан ташкил топади: Конституциявий суд, Олий суд, Олий ҳужалик суди, Фуқаролик суди, Ҳарбий суд, маҳаллий суд органлари.

Луғат

Тизим - система

Ривожланган демократик давлат — развитое демократическое государство

Мураккаблик элементлари — элементы сложности

Қонун чиқарувчи — законодательный

Ижро этувчи - исполнительный

Маҳаллий - местный

15-топширик. Мати юзасидан қуйидаги саволларга жавоб беринг, жавобларингизни ёзинг.

Ўзбекистон Республикасида ҳокимиятнинг қайси турлари мавжуд?

Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органи қандай номиланади, уни ким бошқаради?

Қайси соҳа “туртинчи ҳокимият” ҳисобланади?

Қонун чиқарувчи органнинг номи нима?

Ўзингиз билган вазирликларнинг номини ёзинг.

16-топширик. Нуқталар урнинга тегишли келишик ёки эгалик қўшимчаларини қўйиб, сўз бирикмаларини кучиринг, қаратқич ва тушум келишигидаги сўзлар қачон белгисиз қўллана олишини эсланг.

Бошқарув шакл..., давлат тузилиши... шакл..., суд ҳокимият..., халқ томон...дан сайланиш, ўз касби... фидойилар..., ўз-ўзи... бошқариш, сенатор... сайлаш, сайлов округ...

17-топширик. Матнни уқинг.

КОНСТИТУЦИЯ

Конституция давлатимиз мустақиллигининг рамзи ва ифодаси, халқ ҳурлиги ва озодлиги тимсолидир, у озодлик ғояси ва руҳи билан суғорилган. Конституциямизда инсоннинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати, ҳуқуқлари ва эркинликлари муқаддас саналиб, улар ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланган.

Конституциядаги айрим моддаларни ёдга олайлик:

1- модда. Ўзбекистон – суверен демократик республика.

4- модда. Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланган ўз давлат рамзлари - байроғи, герби ва мадҳиясига эга.

29-модда. Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътикод эркинлиги ҳуқуқига эга.

31-модда. Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътикод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътикод қилмаслик

хуқуқига эга. Диний карашларни мажбуран сингдиришга йул кўйилмайди.

41- модда. Ҳар ким билим олиш хуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир.

66-модда. Вояга етган меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар.

18-топшириқ. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг таълим, оила, ота-она ва фарзандлар муносабати масалаларига бағишланган 41-42-63-64-65-моддаларини (ўзбек тилида) мустақил равишда ўқиб ўрнанинг, дўстларингиз билан муҳокама қилинг.

19-топшириқ. Қуйидаги шеърни ифодали ўқинг, мазмунини тушунтириб бering:

ВАТАН ОЗОДА БЎЛСИН

Кўёш фалак тоқида,
Ой ҳам фазода бўлсин.
Нур ёғсин кеча-кундуз,
Ватан озода бўлсин.
Утиб абри найсонлар,
Дурлар тўксин осмонлар,
Чарақласин айвонлар,
Ватан озода бўлсин.
Шабнамларга юзингни
Ювиб очгил кўзингни.
Пок эт аввал ўзингни,
Ватан озода бўлсин.
Майли гул, райҳон ўстир,
Ўғил-қиз, инсон ўстир.
Аввал қалб, иймон ўстир,
Ватан озода бўлсин.
Сен шом, наҳорига бок,
Боғу баҳорига бок.
Имом Бухорийга бок,

Ватан озода бўлсин.
Бу дунёда гул қолар,
Боғ қолар, булбул қолар,
Биз кетармиз, шул қолар.
Ватан озода бўлсин.



Сирожиддин Саййид

Луғат

Фалак тоқида – под куполом неба.

Абри наисон – весенний дождь.

Шабнам – роса.

Иймон – вера.

Шом – сумерки.

Наҳор – утро, рассвет.

20-топширик. Маҳаллангиз, кучангизга берилган ном, унинг тарихи ҳақида нималар биласиз? Сиз маҳаллангиз обод бўлиши учун нималар қилаётганингиз тугрисида сузлаб беринг. Ҳикоянгизни дафтарингизга ёзинг.

21-топширик. Ўзбекистон ҳақида қўшиқларни тингланг, уларнинг мазмуини сўзлаб беринг.

22-топширик. Шеърни ўқинг. Маъносини сузлаб беринг. Шеърни ёд олинг.

Бир ниҳол

Юртдошим, боғингга бир ниҳол қада,

Бу ниҳол номини Яхшилиқ ата.

Ниҳолинг ёнига бир гул экиб қуй,

У гулнинг исмини Гузаллик деб қуй.

Гулу ниҳолингга бахш этиб ҳаёт,

Сув бер ва бу сувга Меҳр деб қуй от.

Сендан фарзандингга боғ қолсин, эй дуст,

Боғинг Ватан деган ном олсин, эй дуст.

Эркин Воҳидов

23-топширик. *Ниҳол, қадамоқ, меҳр, яхшилиқ* сузларининг маъносини аниқланг.

Ушбу сузлар нштирокида бирикмалар тузинг.

2. КАСБИМ – ФАХРИМ

1-топширик. Матни ўқинг.

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти 1935 йил 14 сентябрда Урта Осиё давлат университетининг педагогика факультети негизида ташкил топди. 1947 йилда буюк шарқ мутафаккири Низомий номи берилган. 1998 йилда касб-хунар коллежлари учун малакали педагог ва муҳандис педагог кадрлар тайёрлаш бўйича таянч олий таълим муассасаси сифатида институтга университет мақоми берилди.

Тошкент давлат педагогика университети(ТДПУ)да олий таълим (бакалаврият, магистратура), олий ўқув юртидан кейинги таълим (аспирантура, докторантура), кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича иш олиб борилади.

Университетда 23 мутахассислик бўйича бакалавр, 25 мутахассислик бўйича магистрлар тайёрланади. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича иккита факультет фаолият кўрсатади. Шунингдек, элликдан зиёд кафедра мавжуд бўлиб, уларда 800 га яқин профессор-ўқитувчи ишлайди.

ТДПУ педагогик кадр тайёрловчи барча муассасалар учун таянч олий мактаб ҳисобланади. Бу сзда олий педагогик таълимнинг барча меъёрий ҳужжатлари: давлат таълим стандартлари, ўқув режалари, фан дастурлари яратилади.

Университет кутубхоналарида замонавий дарслик, ўқув қўлланмалари, илмий ва бадий асарлар, электрон дарслик ва ишланмалар мавжуд.

Шунингдек, талабалар учун шинам турар-жой, спорт иншоотлари ҳамда умумий овқатланиш тармоғи мунтазам равишда хизмат қилади.

Луғат

Негиз - основа

Мутафаккир – мыслитель

Таянч муассаса – базовое учреждение
Мақом – статус
Малака ошириш – повышение квалификации
Қайта тайёрлаш – переподготовка
Меъёрий - нормативный
Ишланма - разработка
Шинам – удобный, комфортабельный
Иншоот - сооружение
Тармоқ – сеть
Мунтазам - постоянно

2-топширик. Берилган режага таяниб матннинг асосий мазмунини сузлаб беринг.

- 1) педагогика университети тарихи;
- 2) ТДПУ – таянч олий таълим муассасаси;
- 3) барча шароитлар мавжуд.

3-топширик. Қуйидаги суз ва суз бирикмалари инширокида гаплар тузинг:

олий мактаб, педагогик таълим, меъёрий ҳужжатлар, малака ошириш, бакалавр, магистратура, амалиёт, касб-ҳунар.

4-топширик. Қуйидаги матнни узбек тилига таржима қилинг, унга сарлавҳа қўйинг.

Нет ни одного учителя, который не стремился бы к вершинам педагогического мастерства в своей профессии. Ведь мастерство — инструмент, без которого невозможны высокие результаты учительского труда, его эффективность и качество.

«Мастер педагогического дела, — говорил В. А. Сухомлинский — настолько хорошо знает азбуку своей науки, что на уроке, в ходе изучения материала, в центре его внимания не само содержание того, что изучается, а ученики, их умственный труд, их мышление, трудности их умственного труда».

Педагогическое мастерство обретается в опыте, в повседневной работе. А эксперимент, направленный на усиление интереса детей к учебе, пусть даже иногда с определенными промахами, может зажечь других учителей духом творчества. Такой эксперимент нужно приветствовать и рассказывать во всеуслышание о тех, кто работает нешаблонно, творчески.

5-топширик. Севимли ўқитувчингиз ҳақида сўзлаб беринг. Ҳикояни “Мен узимнинг ўқитувчим ... ҳақида гапирмоқчиман” жумласи билан бошланг.

6-топширик. Нукталар ўрнига тегишли қўшимчаларни қўйиб матни ўқинг.

УЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти 1955 йил... ташкил этил... бўлиб, айти вақтгача республикамиз халқ хўжалиги учун 20 минг... ортиқ олий маълумотли мутахассислар етиштириб бер...

Ҳозирги кун... институт 4 та факультет, 19 та кафедра... иборат. Уларда 144 нафар ўқитувчи, шу жумладан, 12 та фан доктори ва профессор, 46 та доцент ва фан номзоди, 10 та Ўзбекистон... хизмат курсат... мураббий фаолият юритади.

Талабалар институт, туман, шаҳар ва республика миқёси... ўтказилади... сиёсий-ижтимоий, маданий-маънавий, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари... фаол иштирок этиб келишади. Талабаларнинг аксарият қисми спорт устаси, халқаро тоифадаги спорт устаси, хизмат курсат... спорт устаси унвонларига сазовор бўлиш... Уларнинг кўнчилиги мамлакатимиз терма жамоалари аъзоси бўлиб, Олимпиада, жаҳон ва Осиё мусобақалари... шохсупага кўтарилиш..., юртимиз шухратини жаҳонга ёйишмоқда.

Институт ва унинг ўқув бинолари, хоналари, спорт иншоотлари кун сайин замонавийлашиб бормоқда.

Лугат

Айти вақтгача – до сих пор

Халқ хужалиги – народное хозяйство
Мураббий – здесь: тренер
Миқёс - масштаб
Ободонлаштириш - благоустройство
Кукаламзорлаштириш - озеленение
Аксарият кисми - большинство
Халқаро тоифадаги – международного класса
Сазовор бўлмоқ - удостоиться
Терма жамоа – сборная команда
Шоҳсура - пьедестал
Кун сайин – изо дня в день
Замонавийлашмоқ – модернизироваться

7-топширик. Куйидаги бирикмаларни рус тилига таржима қилинг. –ган қушимчаси қандай вазифа бажарётганини тушунтиринг.

Унвонга сазовор бўлган, хизмат кўрсатган мураббий, аввал ўқилган асар, яхши ўқиган, вазифалар бажарилган, бажарилган вазифалар, тузилган режа, кеча кўчириб бўлган.

8-топширик. “Касб номлари”нинг икки тилли лугатини ёзинг.

9-топширик. Ўзингиз танлаган касб, унинг намоёндалари туғрисида сузлаб беринг.

10-топширик. Матнни ўқинг.

АКАДЕМИК МАҲМУД САЛОҲИДДИНОВ

Маҳмуд Салоҳиддинович Салоҳиддинов – атоқли математик олим, физика-математика фанлари доктори, профессор, академик, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган **фан арбоби**, Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори. У Ўзбекистонда дифференциал тенгламалар соҳасидаги ҳозирги замон илмий мактабининг ташкилотчиси ва раҳбари, республикада фан ва

илмий таълимни ташкил этиш ва ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган жамоат ва давлат арбобидир.

М.С.Салоҳиддинов 1933 йил 23 ноябрда Наманган шаҳрида таваллуд топди. 1950 йил Ўрта Осиё давлат университетининг физика-математика факультетига ўқишга кирди, уни имтиёзли диплом билан тамомлади. У 1958 йилда номзодлик диссертациясини муваффақият билан ҳимоя қилди. Шу билан бутун умрини Ўзбекистонда математик билимларни ривожлантиришга бағишлади. 1967-1985 йилларда ЎзФА вице-президенти, 1988-1994 йилларда эса президенти бўлиб ишлади.

Маҳмуд Салоҳиддинович сермазмун илмий, ижодий фаолиятини доим педагогик ва давлат ишлари билан бирга олиб борди. У 1985-1988 йилларда Олий ва ўрта махсус таълим вазири вазифасида ишлаб, олий мактабни ривожлантириш ва унинг кадрлар салоҳиятини кўтаришга катта ҳисса қўшди. Тошкент давлат университетига ўзи асос солган дифференциал тенгламалар кафедраси мудири бўлган. Ажойиб педагог, илмга чанқок ёшларнинг сеvimли мураббийи, шу билан бирга, жуда талабчан, меҳрибон, хушфезъл, адолатпарвар инсон.

Математикани ва олий таълимни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси, сермаҳсул педагогик фаолияти ва юқори малакали илмий мутахассисларни тайёрлагани учун М.С.Салоҳиддинов “Хурмат белгиси” ордени ва медаллар билан тақдирланган.

Луғат

Атокли – именитый

Фан арбоби – деятель науки

Мукофот совриндори – лауреат премии

Тенглама - уравнение

Илмий таълим – научное образование

Ҳисса қўшмоқ – вносить вклад

Имтиёзли диплом – диплом с отличием

Номзодлик диссертацияси – кандидатская диссертация

Ҳимоя қилмоқ - защищать
Бағишламоқ - посвящать
Сермазмун - содержательный
Салоҳият - потенциал
Чанқоқ – жаждущий
Талабчан - требовательный
Хушфеъл - добродушный
Сермахсул - плодотворный
Тақдирланмоқ – быть награжденным

11-топширик. Матни қайта сўзлаш учун режа тузинг.

12-топширик. Матндаги ажратилган сўз ва бирикмалар ингиригида гаплар тузинг ва дафтарингизга ёзинг.

13-топширик. Қуйидаги тавсиялар билан танишинг. Сизнингча, журналист қандай бўлиш керак? Шу мавзуда матн тузинг.

ЖУРНАЛИСТИКАНИНГ 10 ҚОЙДАСИ

1. *Жон-дилдан ишланг!* (Иш нимадан бошланади? Қизиқиш ва холислик. Жон қуйдириш — муваффақият калити. Янгилик нима?)
2. *Энг муҳимлини айтинг!* (Муҳимлик мезонлари. Истикболни қуриш. Янгиликларни баҳолаш.)
3. *Режали ишланг!* (Ахборот майдонини чегириб олиш. Манбаларни топиш. Келишиб ишлаш. Ўз манбаларингизни ошқор этманг! Манбаларга танқидий муносабат.)
4. *Тайинли нарса ҳақида гапиринг!* (Мувофиқлаштириш. Томчида қуёш акс этади. Тафсилотлар. Метонимия ва метафора.)
5. *Тайёрланмоқ ва эшитмоқ!* (Ҳозирланиш. Саволни тўғри қуйиш. Табу – тақик Тинглаш қобилияти. Хулқ масаласи.)

6. *Воқеалар оқимига тўсқинлик қилманг!* (Қаҳрамонингизни кўп овора қилманг! Мухит. Қаҳрамон ва операторлар ўрнини белгилаш . Баҳолаш.)
7. *Тил маданиятига риоя қилинг!* (Эфирдаги янгиликлар. Матн-сценарий. Масъул муҳаррирларнинг ўрни. Табу – тақиқ. Сухбатда феъл замонлари. Телеэкран тили.)
8. *Янги версияларни топинг!* (Янгилашиш ва барқарорлик. Овоз оҳанги. Телесвизорда ҳикоя қилиш санъати. Ҳаяжонли кадрларни изоҳлаш. Мусиқа ва сурат. Худудийликдан умуммиллийликка)
9. *Воқеалар тасвирида ҳолислик* (Дилемма, яъни бир-бирига зид икки далил. Журналистикада ахлокий тамойиллар. Оммавий ахборот воситалари ҳокимияти.)
10. *Замон билам ҳамнафаслик* (Ахборот инқилоби. Компьютерлар хужуми. Халқ ҳокимияти. Журналистга янгича талаблар. Чегараларнинг очилиши.)

Эрик Фихтелиус

14-тоғшириқ. Қуйидаги суҳбатни ролларга бўлиб ўқинг.

- Соҳиба опа, сиз ҳам ўқишга кетяпсизми?
- Ҳа, Севара, биринчи дарсимиз – жисмоний тарбия.
- Не, сизни Киме-технология институтида ўқийди деб эшитган эдим-ку!
- Ўғри, уша ерда ўқийман. Лекин барча олий ўқув юртларида булганидек, мутахассислик фанларидан ташқари, бошқа бир қатор дарсларни ҳам ўтамин. Жумладан, жисмоний тарбия ҳам. Менга бу машғулотлар жуда ёқади.
- Айтинг-чи, Соҳиба опа, атроф-мухитни муҳофаза қилиш буйича мутахассис бўлиш учун қайси фанларни эътибор билан ўрганишим керак? Мактабни тамомлаш арафасидаман, келажакда фойдаси тегадиган нарсаларгагина вақтимни сарфласам дейман.
- Аслида, ҳамма фанларни астойдил ўргансанг, ўқиш, кичик кашфиётлар қилиш, билимларингни ҳаётда қўллаб кўриш қанчалик қизиқарли эканини тушуниб оласан. Ундан ташқари, ҳозирги пайтда барча фанлар, касблар

узaro бир-бирига сингиб кетяпти. Шунинг учун мактабдаги хамма дарсларингга пухта тайёрлан.

- Хуп. Лекин барибир, сиз ўқиётган факультетга кириш учун қайси фанга кўпроқ эътибор берай?

- Кимё, физика, математика, биология, география, тарих ва тилга.

- Раҳмат, Соҳиба опа, яхши ўқиб келинг. Хайр.

15-топширик. Сиз ўқиётган факультет (булим) ҳақида университет ёки институтингизнинг Интернет сайтига киритилиши мумкин бўлган маълумотларни ёзинг.

16-топширик. Ушбу маълумотларни бойитиш учун фотосуратлар танланг. Нима учун уларни танлаганингизни изоҳланг.

17-топширик. Келажакдаги режаларингиз ҳақида кичик ҳикоя тузинг ва дафтарингизга ёзинг. Мумкин бўлган ҳолларда келаси замон феълларини ҳозирги-келаси замон феъллари билан алмаштиринг. Матнини умумий мазмунида қандай ўзгариш бўлишини гушунтиринг. Мати тузиш учун кумаклашувчи саволлардан фойдаланинг.

Намуна: - *Сиз келажакда ким бўлмоқчисиз?*

- *Мен келажакда муҳандис бўлмоқчиман.*

- *Мен келажакда муҳандис буламан.*

Сиз келажакда ким бўлмоқчисиз?

Нима учун айнан шу касбни танладингиз?

Бу касбнинг мураккаб томонлари нимада?

Танлаган касбингизни эгаллаш учун нима қилиш керак?

Қайси фанларни кунт билан ўрганиш лозим?

Мақсадга етиш учун Интернет ёки масофавий таълим тизимидан қандай фойдаланиш мумкин?

Университет (институт)да олаётган назарий билимларингизни амалиётда қандай қўлламоқчисиз?

Яхши мутахассис булиш учун барча имкониятлардан фойдаланяпман деб уйлайсизми?

Яна қандай орзу-умидларингиз бор?

Луғат

Айнан – именно

Кунг билан урганмок – тщательно изучать

Масофавийи таълим – дистанционное образование

18-топширик. Сиз уқийдиган олий таълим муассасасида “Талаба низоми” борми? Унинг талабларини бажарасизми? Ушбу низомга сиз яна қандай қўшимчаларни киритишни истайсиз? Ўз вариантингизни ёзиб, уни гуруҳдошларингиз билан муҳокама қилинг.

19-топширик. Хафталик дарс жадвалингизни ўзбек тилида ёзиб, фаиларнинг ўзбекча номланишига эътибор беринг.

20-топширик. Куйидаги мақол ва ҳикматли сўزلарни ўқинг, уларнинг маъносини изоҳланг.

Сув — зар, сувчи — заргар. Хунарли — зар, хунарсиз— хор. Ҳалол иш — лаззатли емиш. Қўл — дил хизматкори. Ёзги меҳнат — қишки роҳат. Билим билан ҳикмат олтиндан киммат. Илм ўрганишдан мурод мансаб эмас, халқ ва ватан олдидаги бурчни оқлашдир. Эр йигитга қирқ хунар оз.

21-топширик. Нуқталар ўрнига гапнинг мазмунига мос феълларни тегишли замон шаклида қўйинг, гапларни рус тилига таржима қилинг:


Талабалар дарс тайерлайди, ..., ...,

Дехқонлар ер ҳайдайдилар, экин..., ҳосилни...

Тикувчи ...,

Шифокор беморни ...,

тикади, уқийди, бичади,
экадилар, ёзади, кўради,
суғорадилар, даволайди,
йигиб оладилар



22-топширик. Танлаган касбингизга мос ролли уйинда иштирок этинг (масалан, «Бошлик ва ходим», «Ярим йиллик ҳисобот муҳокамаси»). Бунда уз ихтисослигингизга онд атамалардан фойдаланинг.

23-топширик. Қуйидаги шеърни маъносиини тушунтириб беринг.

УЛУҒБЕКНИНГ МУАЛЛИМИГА

Мен сенга шунчаки кузлар берганман,
Муаллим ургатар кўра олмокни.
Дилбандим, мен сенга она булганман,
Сенга у ургатар “она” демокни.

Мен сенга тилингни берганлигим рост,
Доно сузламокни у ургатади.
Мен сенга қулларинг берганлигим рост,
Қалам ушламокни у ургатади.

Мен сенга сут бердим, у эса зиё,
Унингсиз нулларинг булмас ойдин, ок.
Сени севмоғимни билади дуне,
Аммо у севди мендан ортиқроқ!

Сенга алла айтиб куйчи булганман,
У эса узингни шонр қилади.
Бўйларинг усганда кунгли тулган ман,
У аклинг устириб кунгли тулади.

Гудаклик чоғингда булганман бедор
Ва сенга бахшида этганман ҳаёт.
У эса яшашни ургатар минг бор,
Сени деб безовта яшар умрбод.

Сен агар хурматим сакламоқ бўлиб,
Кўтармоқ истасанг мени бошингга,
Аввал муаллиминг қўлларини ўп,
Фидойи қалбини кутар бошингга!

Сешинг инсонлигинг, борлигинг учун
Муаллимдан менинг жуда кўп қарзим.
Найти келиб бошинг кукка етган кун,
Иккимиз учун ҳам унга қил таъзим.

Хосият Бобомуродова

Луғат

Дилбандим – родимый мой
Зиё - свет
Ушини сиз – без него (нее)
Кўнгли гулмоқ – быть довольным
Гудаклик чоғингда – когда ты был младенцем
Бедор булмоқ – быть бдительным
Ҳаёт бахшида этмоқ – посвятить жизнь
Безовта булмоқ – беспокоиться
Фидойи – самоотверженный
Боши кукка етди – обрадовался
Таъзим - поклон

3. ТАЛАБА ВА ЗАМОН

1-топширик. Матни уқинг. Ундаги замонвий технологияларни аниқлашчи терминларни кучириб олинг. Уларни рус тилига таржима қилинг.

XXI АСР – АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСРИ

Биз яшашган даврда техника ва технологиялар жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Компьютерларнинг янги ва янада янги авлодлари ҳеч кимни ажаблантирмай қўйди.

Уяли телефон алоқаси турмушимизда мустақкам ўрин олди. Биз нафақат овоз ердамида суҳбатлашишимиз, балки SMS (қисқа номалар хизмати) орқали мулоқот ўрнатишимиз мумкин. Шунингдек, бугунги кунда кичкинагина аппарат ёрдамида суратга туширишимиз, овоз ёзиб олишимиз, сеvimли куй-қушиқларни тинглашимиз мумкинлиги бизга жуда қўл келмоқда.

Интернет имкониятларимизни тобора кенгайтирмоқда. Унинг ёрдамида дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар ҳақида тезкорлик билан хабар топишимиз, касбимиз ёки сеvimли манжуроларимизга оид билим ва материалларни олишимиз, масофавий таълим тизими хизматидан фойдаланишимиз, екгирган ашула ва фильмларимизни кучиришимиз, виртуал дукондан маҳсулот харид қилишимиз мумкин.

Электрон почта, ISQ, форум, чат ва бошқа хизматлар алоқа ўрнатиш соҳасида катта тараккиёт рўй берганини намойиш қилмоқда.

Аввал плёнкага туширилган тасвирни қоғозга чиқариш катта машаққатга айланган булса, ҳозир рақамли технологиялар ёрдамида бу иш тез ва соз бажарилмоқда.

Эртага нима булади, вақт курсатади. Лекин бир нарса аниқ: технологиялар ипсон ҳаётини қизикарли ва мукамал қилишга ёрдамлашаверади.

Луғат

Суръат – темп

Ажблантирмок – удивлять

Мулоқот урнатмок – установить общение

Қул келмок – пригодиться

Харид килмок – покупать

Тараккиёт – развитие

Рўйи бермок - проеходить

1-топширик. Қуйидаги саволларга жавоб беринг:

Нима сабабдан XXI аср ахборот технологиялари асри ҳисобланади?

Қундалик ҳаётингизда ахборот технологияларининг ўрни қандай?

Машгулотларга, хусусан, “Ўзбек тили” дарсларига тайергарлик куришда компьютердан, Интернет тармонидан қандай фойдаланиши мумкин?

Тил ўргатувчи компьютер дастурларини биласизми?

Сизнингча, Ўзбек тилидан мультимедиа дарслиги қандай бўлиши керак?

3-топширик. Ўзингиз ҳақингизда қисқа маълумот ёзинг ва турли сайтларда танишини учун эълон тайерланг.

4-топширик. Дўстингизга ўзбек тилида электрон хат ёзинг ва уни e-mail орқали жўнатинг. Ўзингизни мунтазам давом эттиринг.

5-топширик. Матнини ўқинг.

ЭЛЕКТРОН ПОЙАФЗАЛ

Дунёдаги энг биринчи электрон оёқ кийими АКШнинг Массачусет технология институтида ишлаб чиқилган. “Veb for Shoe” деб номланган компьютерлаштирилган пойафзал уз эгасининг юриш ёки югуриш услубига мослашиш, унга нима ёқишини эслаб қолиш, хатто унинг ўрнига кўчада бошқалар билан танишиш каби қобилиятларга эга. У махсус “Магеллан” операцион тизими томонидан бошқарилади. Товон томони ва уч қисмида

жойлашган камералар юриш ёки югуриш вақтида ҳавога тулиб, ушбу ҳаракатларни енгиллаштиради. Сенсор, вибратор кабилар инсон ҳаракатланаётганида пайдо булаётган муаммолар ҳақида пойафзал эгасининг шахсий компьютери ски қўл телефонига ахборот юборади. Экранида график тасвирлар ёрдамида қанча масофа қандай тезликда босиб ўтилгани, бунда қандай муаммолар, ноқулайликларга дуч келингани таҳлил қилинади.

Бундан антика оёқ кийими эгалари виртуал ҳамжамият тузишлари мумкин. Яъни электрон туфли хотирасига унинг эгаси ҳақидаги маълумотлар, аудиофайллар киритилиши мумкин. Шунда кучада “қуришиб қолган” турли электрон туфлилар бир-бирини танийди ва эгалари туғрисида радиовизиткалар билан алмашади, ахборот компьютер экранига узатилади. Мазкур пойафзалнинг электрон қисмлари сув ва кучли зарбалардан инсончи воситалар ёрдамида ҳимояланган.

Бу туфлиларнинг оғирлиги оддий оёқ кийиминикидай 500 грамм. Интернет орқали буюртма беришда уларнинг бичими, размери, дизайни, электрон қисмидаги имкониятлар миқдори, турини танлаш мумкин.

Массачусет технология индустрида олиб борилаётган тадқиқотлардан яна бири голаларни а микрокомпьютерлар қушиб тукилган антика мато ва шу матодан тикилган либосларга бағишланган бўлса, иккинчиси ўтказгичсиз тармок ёрдамида кўрадиган кузойнак-мониторлар билан боғлиқдир. Бу маҳсулотлар электрон дастур асосида кийим эгаларининг шифокори, маслаҳатчиси, ҳамкори сифатида йўл қўйилиши мумкин бўлган хатокамчилик, дуч келиши эҳтимоли бор нохушлик ҳақида огоҳлантиради. Эгнидаги электрон системага инсон оддий овоз билан буйруқ бериши кузда тутилган.

Олим ва дастурловчи мутахассислар фикрича, яқин келажакда либослар олами янги, ниҳоятда ривожланган босқичга кутарилади.

www.mirnovostey.uz

Луғат

Ўт наси – свой хозяин
Моеланиш – приспособливаться
Услуб – стиль
Қобилият – способность
Товон томони – область пятки
Уч қисми – носовая часть
Масофа – расстояние
Покунайликлар – неудобства
Дуч келмоқ – встретить
Антика – удивительный
Ҳамжамият – сообщество
Бичим – покрой
Тола – волокно
Мато – ткань
Ўтканчилик тармоқ – беспроводниковая сеть
Ҳамкор – партнер
Похушлик – неприятность
Оғоҳлангирмоқ – предупреждать

6-тошшириқ. Матида учраган янги сўз(неологизм)ларни кучириб ёзинг, маъносини изўзланг.

7-тошшириқ. Интернетдан электрон маҳсулотлар ҳақида маълумот топинг ва шу асосда қисқа хабар тайёрланг.

8-тошшириқ. Матини ўқинг. Нотаниш сўзлар луғатини тузинг.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

Кадрлар тайёрлаш миллий моделида узлуксиз таълим тизимининг олий таълимга алоҳида эътибор қаратилган. Унинг мақсади республикамизнинг

ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожига ўз ҳиссасини қўшадиган, бозор иқтисодиёти шароитида самарали фаолият юритадиган юкори малакали мутахассисларни тайёрлашдир.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунига мувофиқ 1998 йилдан олий маълумотли мутахассисларни икки босқичда – бакалаврият ва магистратурада тайёрлаш тизими жорий этилди. Талабаларни олий таълим муассасаларига қабул қилиш давлат грантлари ва тулов-шартнома асосида амалга оширилади.

Ўзбекистонда олтишдан зиёд олий таълим муассасалари – университетлар, институтлар ва бошқа билим даргоҳлари олий маълумотли мутахассисларни тайёрлайди. Мамлакатимизда техник йўналишда таълим берувчи 14 та, гуманитар йўналишда – 15 та, педагогик йўналишда - 5 та, тиббиёт соҳасида - 5 та, аграр йўналишда - 4 та ҳамда бир қатор ихтисослашган университет ва институтлар мавжуд. Шунингдек, республиканинг турли шаҳарларида олий ўқув юртларининг филиаллари ишлаб турибди.

Ҳамкорлик натижасида мамлакатимизда ётакчи хорижий университетларнинг филиаллари фаолият кўрсатмоқда.

Олий таълим муассасаларида машғулотлар асосан ўзбек, рус, қорақалпоқ, баъзи мутахассисликлар бўйича инглиз, қозоқ, тожик, туркман тилларида олиб борилади.

Республикамиз олий таълим масканларида электрон каталоглар, виртуал кутубхоналар яратилган, электрон дарсликлар ва қўлланмалар тайёрлаш ишлари олиб борилмоқда.

Профессор-ўқитувчилар хориждаги ҳамкасблари билан тажриба алмашиш имконига эгалар. Иқтидорли талабалар турли мамлакатларга грант асосида ўқишга юборилиши йўлга қўйилган. Ўқиш ва илмий изланишда фаоллик кўрсатган талабалар Президент стипендияси, Улуғбек, Навоий ва бошқа алломаларимиз номи билан аталувчи махсус стипендияларга сазовор бўлишади.

Мимликатимиз талабалари уртасида фан олимпиадалари, илмий-амалий ишжумалар, спорт универсиадалари, турли маданий-маърифий кўриктанловлар мунтазам равишда ўтказилади.

Буларнинг барчаси олий таълим муассасасида ўқиш йилларининг “олтин динр” деб аталганига сабабдир.

9-тоғширик. Матн асосида режа тузинг ва уни сўзлаб беринг.

10-тоғширик. Ўзбекистон Республикасидаги таълим боскичлари ҳақида сўзлаб беринг, уларни чинида тасвирланг.

11-тоғширик. Сиз ўқийдиган университет(институт)да турли соҳаларда муваффиқият қозонган талабалар ҳақида тизматга мақола ёзинг.

12-тоғширик. Шуктлар ўрнига таънинг маъносига мос сўзларни кўйиб, матнни кўчиринг (кўйидаги сўзлардан фойдаланинг: *боғламаган, хотиралар, мумкин, ёни тизматини, ёни тизматда, қанчалик, дунёда*).

Ёшлигинингни асра

асри. ... ундан яхши нарса
Ундан қимматли нарса йўқ! Кимда-ким ... ўзини улуғ ва ажойиб ишлар билан ёки ҳеч бўлмаса оддий, лекин ҳалол ва фойдали меҳнат билан ... қилган, у, ёшлиги ... хушчақчақ ўтган
ин қанчалик ёркин ... қолдирган бўлмасин, уни ҳаётф кетган, дсб хисоблайвериши

«Тафаккур гулшани»дан

13-тоғширик. Кўйидаги матида кўтарилган муаммога уз муносабатингизни билдиринг.

ЗАМОН ВА ЗАМОНАВИЙЛИК

Антонина Павловнанинг гапларини тинглаб, бугунги ёш йигит-қизларнинг юриш-туриши ҳақида уйга толаман. Биз яшайдиган уйнинг йулагида киш кунлари уч-тўртта қиз сигарет чекиб туришганини бир неча марта кўрганман. Утган-кетгандан уялишмайдиём. Ҳар гал курганимда юрагим зиркирайди. Эсиз ёшлик! Ота-онаси бормикан буларнинг, хабардормикан аҳволидан? Балки улар ўзларини маданиятли, замонавий ҳисоблашар, давр шунақа дсйишар? Йўқ, асло! Бунинг на маданиятга, на замонга даҳли бор. Антонина Павловна гапирар экан, эзилаётгани, юраги ачишаётгани юз ифодасидан билиниб турар эди.

—Маиа шунақа енгил-елпи қарашлар етим болаларнинг кўпайишига сабаб бўлмаептими? — дейди опа сўзини давом эттириб.

—Бунда Ғарбнинг таъсири йўқ деб, ким айта олади?

Ҳа, Ғарбнинг таъсири бор, ҳеч шубҳасиз. Ҳозир нима кўп - кино кўп. Ғарб мамлакатларида ишланган фильмларда тасвирланган беҳаё манзаралар ёмон таъсир курсатиши аниқ Бундан ташқари, видеомагнитофонлар, интернет-чи? Уларда нималар курсатилмайди?

Аслида-ку, одам кўрган ёки эшитган ҳар бир нарсасига кўр-кўрона эргашмай, ундан тегишли хулоса чиқариши зарур, танқидий кўз билан қарай билиш керак.

М. Ҳазратқуловдан

Луғат

Утган-кетган – прохожие

Юрагим зиркирайди – сердце болит

Эсиз ёшлик – жаль молодость

Даҳли йўқ – не имеет отношения

Эзиляпти, юраги ачишяпти – сердце щемит

Юз ифодаси – выражение лица

Беҳаё манзаралар – бесстыдные сцены

Кўр-кўрона - слепо

14-тоғашриқ. Матнини ўқинг, уни қисқартиринг, тезис шаклига келтиринг.

ЁШЛАР ЛОЙИХАЛАРИ

Бир авлоднинг камил инсонлар булиб вояга етиши, пухта таълим, мукаммал тарбия олиши масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор нушонларидандир. Бу эзгу ишга мамлакатимиздаги қўллаб-қўллаш жамоат ташкилотлари муносиб ҳисса қўшмоқда.

2007 йил 17-24 июнь кунлари “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” ҳамда “Меҳр нури” жамғармалари ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятларда “Биз – бир жамоамиз!” тадбири мунаффақиятли ўтказилди. Тадбир бу борадаги лойиҳалардан йигит-қизларни хабардор қилиш, жойлардаги ташаббускор ва изланувчан ўғил-қизларни аниқлаш имконини берди. Фаол йигит-қизлар ҳамда “Келажак овози” республика кўрик-танлови галиблари учун ёшларнинг ёзги ўқув оромгоҳи ташкил этилади. Бу ерда ҳуқуқий, маънавий-маърифий, ижодий-интеллектуал тадбирлар, семинар-мангулотлар, ижодий анжуманлар ўтказилиши кўзда тутилган.

ЎЗА сайтидан

Луғат

Мукаммал – совершенный, всесторонний

Устувор – приоритетный

Ташаббускор – инициатор, инициативный

Изланувчан – ищущий

15-тоғашриқ. “Соғлом авлод учун”, “Экосан”, “Нуроний” “Истеъдод” жамғармалари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳақида сўзлаб беринг.

16-тоғашриқ. “Севги” шеърини ўқинг. Уни ёд олинг.

СЕВГИ

Ўн саккизга кирмаган ким бор,
Боғингдан гул термаган ким бор.
Сен ҳақингда ёзиб тўрт сатр,
Сирдошига аста кўрсатиб,
Қушни қизга бермаган ким бор.

Дастлаб ҳар ким қалам олган он
Ёниб сени куйлар бегумон.
Маскан қуриб ҳар бир кунгилда,
Ошиқларни қолдириб тилдан,
Шоирларни қилурсан бийрон.

Тушдим чоғи мен ҳам домингга,
Эзгу ҳислар бахш этдинг менга,
Ҳаётимга зар лавҳа булдинг,
Илк шеъримга сарлавҳа булдинг,
Хаёлларим улфатдир сенга.

Юрагимда ҳис этдим қанот,
Тилсим каби очилур ҳаёт,
Висолдаги дамларим ширин,
Ҳижрондаги ғамларим ширин,
Кулиб боқар менга коинот...

Ўн саккизга кирмаган ким бор,
Боғингдан гул термаган ким бор...

Эркин Воҳидов

Луғат

Тўрт сатр – четыре строчки (здесь: стихи)
Сирдош – лицо, которому поверяются тайны

Бетумон - несомненно

Маскан - обитель

Ошик - влюбленный

Гапирон - отточенный, чеканный

Домнига тушмоқ - здесь: попасть в западню любви, быть без ума от любви

Эту хислар - благие, добрые чувства

Тилсим - загадка

Нисон - свидание

Хижрон - рагулка

17-тошширик. Уқинг, дафтариғизга кучириб олинг. Нотаниш сўзлар маъносини топиб, улар билан гаплар тузинг.

КУЛИШ ОДОБИ

Кулиш - хурсандчилик, кайфичоғлик белгиси. У инсон руҳий ҳолатининг яхшилиги, кайфиятининг чоғлигидан далолат берувчи хис-туйғулар гўлиқинидир. Яхши кулгу руҳий соғломликнинг белгисидир, дейилиши ҳам шундан булса керак.

Аммо кулишнинг каттиқ товуш чиқариб, меъеридан ошиб кетиши, одоб қондаларининг бузилиши, атрофдагиларга озор бериши, салбий фикр ҳосил қилишига сабаб бўлади.

Одобномадан

18-тошширик. Қуйидаги хандалардан фойдаланиб, сахна кўринишларини тайёрланг.

ХҲРОЗ

Ботюрда паррандаларни кўриб юрган киши бир сотувчининг хўрозига ҳаридор бўлади. У сотувчига менсимай қараб, «бу жўжачага неча пул сурайтени?» - дейди. Сотувчи дарғазаб бўлади. Дудукланиб, «бунинг нимаси жўжи? Хўроз-ку, курмаяпсизми?» - дейди аранг.

Хўрознинг нарҳини тушириш исгагида бўлган харидор яна атайлаб, «Э, нимаси хўроз бунинг? Жўжачани жўжача дейди-да!» - деб қайта-қайта сотувчининг асабига тегади. Унинг муомаласидан жажли чикқан дудук сотувчи: «Шу жўжача бўлдимми? Мана сенга жўжача!» - деб харидорни хўроз билан уради.

Аранг кочиб қутулган харидор милиция ходимини бошлаб келади. Милиционерга: «Манави одам мени эшакдек келадиган хўроз билан урди», - дейди.

КУЗ ШИФОКОРИ ҲУЗУРИДА

Врач қабулига кирган беморнинг кўриш даражасини аниқлаш учун ҳарфларни курсатади. Кичик, ўрта ҳарфлардан бошлаб, энг йирикларигача бориб етади. Бироқ бемор чол “билмадим”дан нарига утмайди. Қийналиб кетган врач афсусланиб:

- Эҳ, отахон, сиз мутлақо кўрсиз! — дейди.

Бемор:

- Йук, болам, мен кўр эмасман, фақат ҳарф танимаيمان, холос, - дейди.

ЗАМОНАВИЙ ДАРС

Ўқитувчи:

- Болалар, бугун феълларнинг тусланиши утамиз. “Мен турибман, сен турибсан, у турибди, биз турибмиз”, - деди ўқитувчи янги дарсни бошлагач.

Кейин ўқувчидан сўради:

- Қани айт-чи, тусланишдан нимани тушундинг?

- Ҳамма турибди.

Математика ўқитувчиси дарс ўтяпти.

Синф хонасига кириб келган комиссия аъзолари стол устида турган компьютерларга караб ҳайрон бўлиб қоладилар. Шунда улардан бири:

- Компьютер шу ерларгача етиб келибди-я. Айтингчи, болалар ундан фойдаланишни билишадими?

Укитувчи

Бит хамиши дарсада компьютердан фойдаланамиз. Мана кўринг.

У болалардан бирини доскага чиқаради. Сунгра болаларга қараб:

— Стол устидаги бешта компьютердан биттасини манави ўртоғимиз олса, нечта компьютер қолади?

Болалар

— Тўртта!

Укитувчи тўрурлашиб, комиссия аъзоларига қараб қўяди.

Ботир Муҳаммадхўжаев

19-тоғширик. Шеърни ўқинг. Унинг маъносини сўзлаб беринг.

ОШИҚЛАР САРДОРИ

Гулбушлар ичинда тинмас забонман,
Ҳамон ёнинг даман, танангда жонман.
Агар ошиқларинг ун мингта бўлса
Билгилки, аларнинг сардори менман.

Сенгига содиқлик шартини қўйсанг,
Шартини бажармас деб, ёнингдан қувсанг,
Агар Ун мингтадан юзта қолдирсанг,
Билгилки, юзтадан биттаси менман.

Кексалик деган сўз жой олса дилдан,
Пигизлик қуввати кетса ҳам белдан,
Ҳар кун гул олсанг сен гар унта қўлдан
Билгилки, энг аввал гул тутган менман.

Филак филаклигин килса ногаҳон,
Сендан юз угирса ҳатто кенг жаҳон,

Ошиқлардан қолса бир нафар, инон,
Қолган шу ошиғинг билгилки, менман.

Кузларинг бемаҳал ёшларга тулса,
Агар душманларинг устингдан кулса,
Ошиқларинг агар ҳеч келмас булса,
Марҳум ул Расул Ҳамзат билгилки, менман.

Расул Ҳамзатов. Эркин Воҳидов таржимаси

20-топширик. Расул Ҳамзатов қаламига мансуб “Ошиқлар сардори” шеърининг русча вариантыни ўзбекчаси билан таққосланг (қўлланманинг “Адабий-бадий матнлар” қисмига қаранг).

4. ТИЛ – МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

Г. Говиширик. Митини ўқинг. Ундаги асосий фикрни ифодалаг.

ТИЛ БОЙЛИГИНИНГ БИР ДАЛИЛИ

Мисолумки, муайян тилнинг бойлиги шу тилда мавжуд бўлган сўзлар миқдори билан эмас, балки тилнинг сўз бойлиги, сўз маъноларининг ўзгариши, услубиятининг ривожланганлиги, нуткий оҳангнинг ранг-баранглиги билан белгиланади. Шу жиҳатдан ўзбек тили ҳам, шубҳасиз, бой тил ҳисобланади. Буни биргина сўз мисолида кўрсатиш мумкин.

Бирча сонлар орасида “бир” сўзи алоҳида ажралиб туради. Бу сўз туб сўз шаклида, айрим қўшимчаларни олган ҳолда ёки жуфт ҳолда қўлланади, шунингдек, муайян сўзлар билан бирикиб ҳам келади.

“Бир” сўзи санок сон маъносида қўлланади. Масалан: Мен бир китоб ва икки нафтир сотиб олдим. Бир қиз қўшиқ айтади, уч қиз рақсга тушади. Бола бир қўшини баланд кўтарди.

“Бир” сўзи номаълумлик маъносини билдиради: Кеча бизникига бир аёл келди. Феруза бир гап айтмоқчи эди. Бир одам киришга рухсат сўраяпти.

“Бир” сўзи маънони кучайтириш учун ҳам хизмат қилади: Ҳозир шундай бир ажойиб замон келди-ки, киши бахтини меҳнатдан топади. Шаҳноза опа китига бир чиройли кўйлак тикиб берибди. Ўғли бир яхши йигит экан.

Бундан ташқари, “бир” сўзи қўшимчалар ёки айрим сўзлар билан қўлланилганда, гумон, чегаралаш, кетма-кетлик, предметнинг ноаниқ белгиси, бир хиллик, вақтга нисбатан номаълумлик ёки мавҳумлик каби қатор маъноларни билдиради.

Бу каби сўзлар ўзбек тилида кўплаб учрайди. Уларнинг маъноларини, қўлланилиши хусусиятларини билмай туриб, матнни тушуниш, уни тўғри таржима қилиш, аниқ ва таъсирчан нутқ тузиш мумкин эмас.

2-топшириқ. Қуйидаги гапларни рус тилига таржима қилинг, "бир" сўзининг қулланилиш хусусиятларига эътибор беринг.

Биров эрта туриб тонгни қаршилашни ёктиради, биров эса қоронғи тунда чексиз юлдузларни кузатишни хуш кўради. Мени бирор киши сўраса, ҳозир келадилар денг. Биргина тарихдан шунча китоб ўқишим ксрак. Беморнинг аҳволи бирдай. Етти ўлчаб, бир кес. Бир эшитинг-а, нақадар нафис куй! Бир ўйлаб кўрайлик-чи. Наташа ўзбекча бир гапирди, йиғилганлар қарсак чалиб юборишди. У столга бир урди... Бизнинг сўзимиз билан ишимиз бир. Бирдан-бир ниятим – ҳаётда уз ўрнимни топиш. Сергей чолнинг саволларига бирма-бир жавоб берди. Улар бир-бирини қаттиқ севишарди. Анора мени кўриб қолди-ю, онасига бир нима деди.

3-топшириқ. Гапларни ўзбек тилига ёзма таржима қилинг. Таржимада қуйидагилардан фойдаланинг: *бир кун*, *битта-битта*, *бир...бир*, *ҳар бир*, *бир неча*; *бир кун эмас*, *бир кун*.

Сухроб то хирургом хочет стать, то кардиологом. Кумуш поздоровалась со всеми по отдельности. Я один выполнил эту работу. Однажды я проснулся раньше обычного. Студенты старших курсов написали рефераты по нескольким дисциплинам. Долг каждого мужчины – защищать свою родину. Подлость когда-нибудь будет наказана.

4-топшириқ. Луғатдан фойдаланиб, "бош", "совуқ", "ташламоқ" сўзларининг маъноларини аниқланг.

5-топшириқ. Матнини укинг.

ҚАВМ-ҚАРИНДОШЛИК АТАМАЛАРИ

Халқимизда қавм-қариндошлик атамалари аксарият бир умумийликни ташкил этади. Негаки, уларнинг тарихий илдизи бир.

Масалан, ўзбек тилида "ота" сўзининг "дада", "ада" каби шакллари мавжуд. Ўзинчак шеvasида еки Хоразмда ўз отасини "ака" деб аташ ҳодисаси учрайди.

Сўзларини турли шеваларда "ойи", "ая", "опа", "аба" деб чакиришса, бунинларга нисбатан "момо", "катта ойи", "ача" каби номлар интилади. "Она" сўзи эса турли худудларда ё она, ё буви маъносини англатади.

Ўзбеклар яқин-яқинларгача ўзидан катта ўғил қариндошини "ога", кичигини "ини", киз қариндошининг каттасини "эгачи", кичигини "синчил" деб атаган. Ҳозир эса аксарият ака, ука, опа, сингил шаклида мурожаат қилади.

Ўзбек тилида ота ва онанинг ака-ука ҳамда опа-сингилларини аташ рус тилидагидан фарқ қилади. Масалан: отанинг акаси ёки укаси амаки, онанинг ака-укаси эса тоға деб юритилади; онанинг опа-сингиллари – хола, отаники эса – амма.

6-топиширқ. Қавм-қариндошлик атамалари буйича топишмоқлар уйлаб топинг ва уларни дифтариңгизга ёзинг. Масалан: *Қайнотамнинг ёлғиз қизи бор, қайнотамнинг кўнани менга ким булади?* (узим)

7-топиширқ. Шеърни ўқинг, маъносини тушунтириб беринг.

Гўлак эдим, кўп нарсага етмасди ақлим.

Билганиларим - бекинмачок ва тўптош уйин.

Кулоғимга чалинарди кексалар накли:

"Фалончим, пуч ёнғокка тўлдиран қўйин!"

"Сўн қўйди бировларнинг тегирмонига,

Гирромликда тулкига чап берар фалончи!"

Англиб етмай бу гапдаги теран маънига,

Кулоғимга кўринарди улар ёлғончи.

Кондан ўтган габиб дерлар. Улғайдим бу кун.

Ҳикматларнинг мағзин чақиб, булмасман ҳайрон.

Кексаларнинг айтганлари экан чиппа-чин:

Бошда ёнғоқ чақар экан баъзида инсон.

Ойдин Ҳожиёва

Лугат

✱

Бекшмачок – прятки

Гунтош – игра в камешки

Нақл – предание

Фалончи – такой-то, некий

Куйинини пуч ёнғоққа тўлдирмоқ – тешить пустыми надеждами

Бировнинг тегирмонига сув қуймоқ – лить воду на чужую мельницу

Гирромликда тулкига чан бермоқ – хитёр как лис

Теран маъни – глубокий смысл

Бошдан ўтган табиб – лекарь тот, кто перенес (пережил) болезнь

Мағзини чақмоқ – постичь истинный смысл

чиппа-чин – истина, истинный

Бошда ёнғоқ чақмоқ – (дословно: колоть орехи на чьей-либо голове)

поедом есть кого-либо.

8-топширик. Қуйидаги ибораларнинг русча муқобилини топинг.

Икки томчи сувдай, томдан тараша тушгандай, бировнинг ноғорасига уйнамоқ, оёғи куйган товукдай, енг шимариб, хамирдан қил суғургандай.

9-топширик. Бошқотирмани ечинг. Бунда биринчи сўзининг охириги ҳарфи кейинги сўзининг биринчи ҳарфи эканини назарда тутинг.

Berilgan so'zlarning antonimlarini katakchalarga yozing.

4 Tekshir

So'zlar

1. topinoq
2. yunshoq
3. oq
4. qimmat
5. to'g'ri
6. sovitnoq
7. noqulay
8. mayda
9. oz
10. bo'sh
11. noan'anaviy

10. tanishtir. Quyidagi fe'llarning sinonimlari bilan almashtiring:

Чатамоқ, танштироқ, кувонимоқ, имюламоқ, дам олмақ.

11. tanishtir. Dastavda foydalanib, omonim va paronim so'zlariga misollar ezing, ular ustidagi katakchalarga yozing.

12. tanishtir. Quyidagi so'zlarni tug'ri uking, ma'nosiini aniklang.

Он – ун – ўн

Кул – кул – кўл – кул.

Уч – ўч.

Тун – тўн.

Куз – кўз.

Ин – эн.

Ил – эл.

Кенмоқ – қилмоқ.

Ўтказмоқ – ўтқазмоқ.

Он – онг.

Ўн – ўнг.

Тон – тонг.

Синган – сингган.

Эн – энг.

Мин – минг.

Кўнгил-кўнглинг-кўнглингга.

13-топширик. Матни ўқинг.

ЎЗБЕК ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ

Мақоллар – узбек халқ оғзаки ижодининг оммавий жанрларидан бири. Асрлар давомида оғиздан оғизга ўтиб келган мақоллар халқимизнинг дунёқараши, жамиятга булган муносабати, тарихий ва рухий ҳолатини билдиради.

Халқ мақолларда ҳаётини тажриба натижасида келиб чиққан қимматли фикрларни ифодалайди. Мақоллар кўпинча шеърини шаклга эга бўлади. Улар фикрнинг ихчам, пишиқ ва пухталиги билан халқ оғзаки ижодининг бошқа турларидан фарқ қилади.

Ерга, сувга, хайвонот ва усимликлар дунёсига булган муносабатимизни яхшилаш оркалигина она табиатимизни асраб қолиш мумкин. Инсон табиат фарзанди экан, фарзанднинг онага меҳрибонлик қилиши умуминсоний бурчдир.



Луғат

- Мунгли – печальный
- Ҳис этиш - чувствовать
- Ардоқлаш – лелеять, беречь
- Борлик - здесь: весь мир
- Хом ашё – сырьё
- Ижобий – положительный
- Салбий – отрицательный
- Таъсир ўтказмоқ – влиять
- Бойитмоқ – обогащать
- Кескин – резко
- Вужудга келмоқ – появляться
- Табиий мувозанат – естественный баланс
- Сув ҳавзалари – водоёмы
- Чучук сув – пресная вода
- Захарланмоқ – отравлять
- Оқилона – разумно
- Одилона – справедливо
- Тарғибот – пропоганда
- Ташвиқот – агитация
- Муносабат – отношение, связь

10-топширик. Умумбашарий ва минтақавий экологик муаммолар нималардан иборатлиги ҳақида сузлаб беринг.

11. **Тавриқ.** Саволларга жавоб беринг:

1. Табиатни қандай қилиб бойитади?

2. «Табиат» деганда нимани тушунасиз?

3. Табиат кўни (дарахт, ҳайвон)ларни ёқтирасиз? Нима учун?

4. Табиатни қўриқ қилмаслик дегани нима?

5. Табиат буюмликлардан оқилона фойдаланиш дегани-чи?

6. Табиат биларда сайёрамиз иклими қандай ўзгарди?

7. Табиат сабаби нимада?

8. Табиатда қандай жониворлар бор? Уларга муносабатингиз қандай?

11. **Тавриқ.** Сонларни сўз билан ёзиб, гапларни дафтарингизга кучиринг.

Айрим манбаларга кўра, Республикамизда ёввойи ҳайвонларнинг 99, оқроқларнинг 410, балиқларнинг 79 тури мавжуд.

Улардан 32 ҳайвон, 31 парранда, 5 балиқ тури Ўзбекистон Республикаси «Биринчи китоб»ига киритилган.

Унинг биринчи нашрида 163 тур ўсимлик ноёб ва йўқолиб бораётган турлар сифатида кўрсатилган бўлса, кейинги нашрига 400 тур ўсимлик киритилиши кўрсатиб тутилган.

11. **Тавриқ.** Матнни рус тилига таржима қилинг.

ГУЛ БАЙРАМИ

«Табиат мўъжизаси», «гузаллик маликаси» бўлмиш гулга бағишланган «Биринчи китоб»да гул байрамлар кўп халқларда бор.

Унинг ичида хризантемани жуда севишади. Ҳатто Япония ҳарбий байроғи ва нуқулга ҳам хризантема тасвири туширилган. Япония олий нишони ҳам «Хризантема ордени» дейилади. Французлар марваридгул (ландиш)ни бағишлайди, испанлар эса кизил рангли чиннигул(гвоздика)ни муҳаббат рамзи деб билишади.

Ҳиндистонда гул байрамлари ажойиб катта сайил тарзида уюштирилади. Ҳиндлар атиргулни гуллар маликаси дейишади. Ҳиндларда қадимдан хозиргача олижаноб бир одат анъана бўлиб келяпти: улар азиз меҳмонлар буйнига гулчамбар тақадилар.

Ўзбекистонда лола сайли, сунбул (гиацинт) сайли, Наманганда гул байрами, Хоразм, Бухорода қизил гул сайли зўр тантана билан ўтказилади. Бунда, айниқса, «Гулдаста» аскияси юзлаб томошабинларни ўзига сеҳрлаб қўяди. Гул сайлига гул узиш учун эмас, балки маънавий дам олиш учун чиқишади, одатда.

14-топширик. Саволларга таяниб, диалог тузинг.

Сиз яқин кунларда кимга гул совға қилдингиз?

Бу қандай гул эди?

Ўзингиз қандай гулни ёқтирасиз?

Уни таърифлаб бера оласизми?

15-топширик. Гул ҳақида қандай шеър ёки қўшиқларни биласиз? Улардан намуна келтиринг.

16-топширик. Матнини ўқинг.

ЧАНҒИ САЙЛИ

Дам олиш куни акам ўртоқлари билан чанғи учиш учун Чотқол тоғи этакларига боришмоқчи бўлганини эшитиб қолдим.

Тоғни узоқдан кўрганман. Китобимда ҳар хил тоғларнинг сурати бор, аммо ўзини ҳалигача кўрганам йўқ.

Акамнинг тоққа бориш нияти мени ҳам кизиқтириб қолди. Чанғи сайлига икки кун қолганда акамга ялиниб-ёлвордим.

-Йўл узоқ. Тоғнинг совуғига чидай олмайсан, ука! – деди акам.

-Мен ҳам сизга ухшаб совуққа чидайвераман, - деб акамни ўз ҳолига қўймадим.

Амволлага кўнмади. Сўнг бир гап булар, деб мени тинчитди.

Чименни куни яхши кийиниб олиб, эрталабки изғиринда акам билан йўлга
сўнчим

Чименчани нима қилиб бошлаб юрибсан, Комил? – деди мени кўрсатиб бир
Мени

Тобини кўрмаган эди, кўявер, пишйди, - жавоб килди акам.

Ғафур Ғулом

10 сўнширик. Қуйидаги гапларни тўлдириг.

Чименни куни... ?

Чотқол тоғи этакларига... .

Чотқолдан чанги сайлига... кўринди.

Амволлага якшанба куни ... кейин эса

10 сўнширик. «Чимен тоғларида» расми асосида кичик матн тузинг.

Чимен тоғлари тасвирланган сурат

10 сўнширик. Қуйидаги жавобларга мос саволлар ёзинг.

...?

...нда

...?

...у, ...ишарь ойида.

...?

Чимен, Чотқол, Зомин, Бахмал тоғларига.

...?

...а, «...ди яхши кураман. Сен-чи?

...?

...абагга

10 сўнширик. Мамлакатимиздаги тоғлар ҳақида маълумот тайёрланг.

21-топшириқ. Европа қитъасидаги қишки тоғли курортлар тасвирини таърифлан.
Бунда интернет материалларидан фойдаланинг.

22-топшириқ. 2014 йилги қишки олимпиадани қабул қилувчи шаҳар ва унинг тоғли
худуди ҳақида кичик ҳикоя ёзинг.

9. БИЗНЕС ОЛАМИДА

1. Кенгашириқ. Матни уқинг. Уни рус тилига таржима қилинг.

Тамонамиз – бозор иқтисодиётига ўтиш даври. Шунинг учун олдин иқтисод, кўпинча сиссат деган ақида ҳозир ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир. Ўзбек халқи қонундан бозорга яқин бўлган. Аждодларимизнинг қарвон кўнғироқларини эшитиб, Эрон, Турон, Ҳинду Чин-мочин, Арабу Ажам мамлакатлари билан савдо-тижорат ишлари олиб боришгани кўнчилиққа маълум. Буюк инқилобнинг давлатимиз ҳудудларини жаҳон билан боғлагани ҳам бунга яқин омил бўлган.

2. Кенгашириқ. Матндан бозор-ўчарга оид ибораларни кўчириб ёзинг, уларни рус тилига таржима қилинг.

БОЗОР-ЎЧАР

Нисбон ҳеч қачон бозордан ажралмайди. Шунинг учун ёшдир-қаридир бозор қонунларини яхши билиши, унинг ёзилмаган қоидаларига риоя қилиши зарур. Бозор-ўчарга бағишланган иборалар бунинг айни ҳаётий мисолларидир. Масалан:

– **Бозор** – бозор, **онанг** – бозор (маъноси – бозор сени ўз ҳукмига етаклайди, бадосини ўтказди, бозор қонунларига риоя қилиш лозим);

– **Бозор** қурган эчки ёки бозор қурган йигит (кўпни қурган одам, уздабуро, қарибали шахс, бозор кўриш турмуш сабоғини олиш дегани);

– **Бозор** яқин боймас (бозор яқиннинг майда харажати кўп бўлади; қарини майда-майда, бот-бот қилиш тежамкорликка зид, аслида бозор қопи-қопорни, араваси, тойи, суруви билан қилинса, кўп бора арзон тушади).

Махмуд Саттор

Усул

Риоя қилиш – следовать, подчиняться

Айни – именно

Ҳаётий сабоқлар, турмуш сабоғи – уроки жизни

Уддабуро – даровитый, проворный

Харажат – расходы

Бот-бот – вновь и вновь



Тежамкорлик – экономность, бережливость

Копи-канори, араваси, тойи, суруви билан – мешками, телегами, тюками, отарами

3-топширик. Матнини ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўз ва сўз бирикмаларининг маъносини изоҳланг.

ПУЛ ТАРИХИДАН

Турли халқларда пул вазифасини турли хил товарлар бажарган.

Масалан, Қадимги Юнонистон, Римда, араб ва хинд кабилаларида пул ўрнини *чорва* босган. XX аср бошларида Африканинг баъзи бир халқларида *чорва тўғи*дан пул ўрнида фойдаланилган. Тинч океани ва Африка *қитъаси* халқларида қимматли *чиганоқлар* пул вазифасини бажарган. Марказий Африкада - *фил суяги*, Қадимги Мисрда – *бугдой*, Хитойда – *туз*, Мўғулистонда - *чай айирбошлаш* жараёни *пул муомаласи* ўрнига ўтган.

Қадим замонлардан бери пул вазифасини *қимматбаҳо металлар* ҳам ўтаб келган. Милоддан олдинги уч мингинчи йилларда Шумер давлатида *асал* ва *кумуш* пул вазифасини бажарган. Кумуш пуллар милоддан олдинги икки мингинчи йиллари Осиё мамлакатларида кенг тарқалган.

4-топширик. Савдо-сотик соҳасида кенг қўлланадиган сўз ва ибораларни ёзинг, улар иштирокида диалог тузинг.

5-топширик. Матн билан танишинг. Асосий тавсияларни дафтарингизга кучириб олинг.

БИЗНЕС-РЕЖА ҚАНДАЙ ТАЙЁРЛАНАДИ?

1. (шахсий) ишшигизни бошламоқчи бўлсангиз, албатта бизнес-режа тузиниши керак. Мазкур жараёни енгиллаштириш учун қуйидаги беш босқичда иш тутишни тавсия этамиз:

1. Мақсадингизни аниқланг. Биринчи босқичда ким учун маълумот таёёрлашингиз керак, компаниянгиз ҳақида улар нимани билиши кераклигини тушуниб олинг. Компания фаолиятининг қайси томонларини тартиб-аъдан кўрсатиш мақсадга мувофиқ, қайсилари ҳақида камроқ, қайсилари ҳақида эса умуман гапирмаслик зарурлигини белгиланг.

2. Бизнес-режанинг тахминий мундарижасини тузинг. Махсус талабларни ҳисобга олган ҳолда тузилган мундарижа оддий ёки мураккаб бўлиши мумкин. Бироқ мундарижа қанчалик батафсил ёзилса, бизнес-режани таёёрлаш шунча осон кечади.

3. Кейинги босқичда мундарижани диққат билан текшириб чиқиш керак. Ҳисобда бизнес-режангизни ўқийдиган одамларнинг фикрини ва ўз мақсадингизни эътиборга олиб, аҳамиятли деб ҳисобланган маълумотларни қўшиб қўйиш, жўзий томонларни иловада бериш мумкин.

4. Бизнес-режани ёзинг. Қўпчилик ишни бозорни ўрганиш ва молиявий маълумотларни тўплашдан бошлайди. Сиз мазкур маълумотлардан режанинг стратегиясини белгилаш учун, тахминлар қилиш учун фойдаланасиз. Бизнес-режанинг қораламасини тайёрланг. Бунда умумий бўлимга катта эътибор беринг, унда бошқа барча бўлимларга тегишли ижро, молиялаштириш маълумотлари бўйича умумий маълумотлар мужассамлаштирилади.

5. Бизнес-режани менежмент бўйича мутахассисга беринг. У режанинг тартибини, ўқишга қулайлиги, баённинг мантиқийлиги, ишнинг тўғри расмийлаштирилганлигини текшириб чиқсин. Сўнг кўрсатилган тахминларни ҳисобга олиб, бизнес-режангизга ўзгартиришлар киритинг. Ва, албатта, ушбу режани мунтазам равишда янгилаб боринг.

Оқимнинг ёр бўлсин!

Луғат

Фаолият – деятельность

Бўрттириб кўрсатиш – преувеличивать

Тахминий – приблизительный

Мундарижа – содержание, оглавление

Батафсил – подробно

Жузъий – незначительный

Қоралама – черновик

Ижро – исполнение

Молиялаштириш – финансирование

Мужассамлаштирмақ – вобрать в себя

Қамров – охват

Баённинг мантикийлиги – логика изложения

Расмийлаштириш – оформление

Мунтазам равишда – постоянно

6-топшириқ. Турли мамлакатларда миллий пул бирлиги қандай аталиши хусусида суҳбат қуриңг.

7-топшириқ. Сўмнинг шу кунда АҚШ доллари, евро, инглиз фунт стерлинги, рус рубли, япон иенаси, қозоқ тангаси, тожик сомониysi, қирғиз соми, туркман манати, украин гривнаси, Литва лити, Латвия лати, эстон маркаси, Таиланд батти, турк лираси, Эрон риёли, хинд рупийи ва бошқа миллий валюталарга нисбатан курсни аниқлашга ҳаракат қилиңг ва жадвал тузиңг.

8-топшириқ. Гапларни ўзбек тилига таржима қилиңг.

Подписав договоры, главы государств провели пресс-конференцию. Заработав свой первый миллион, он уже не смог остановиться. Миша, не выходя из комнаты, может приобрести, например, мебель или хотя бы пиццу. Человек, который всегда говорит смеясь, очень быстро надоедает

теружаницим. Не вставайте из-за письменного стола, не дописав сочинение до точки. Не проявив инициативу, нельзя достичь успеха в бизнесе.

• **Тонирик.** Қунидаги фикрларга таяниб, бизнесда муваффақият қозониш йўллари турисида ўз хулосаларингизни шакллантиринг.

МУВАФФАҚИЯТЛИ МУЗОКАРА ТАМОЙИЛЛАРИ

1. Тарқи нарса ни ўз вақтида қилиш.

Хел қачон музокараларга кеч қолманг.

2. Ортиқча гапни гапирмаслик.

Ишмай сўзлаётганингизда ўзингизни суҳбатдошингиз ўрнига қўйиб кўринг.

Айтиладиган ва айтилиши шарт бўлмаган гапларни олдиндан белгилаб

олинг. Жумла бошида «йўқ» сўзини қўлламасликка имкон қадар ҳаракат

қилинг. Овозни баланд чиқариб ҳам, пичирлаб ҳам гапирманг.

Суҳбатдошинг гапини булманг.

3. Одамларга нисбатан дўстона муносабатда бўлиш.

Наҳотки, жилмайиб туриб, кайфиятни кутарадиган бирорта гап айтиш қийин

бўлса! Хушмуомала, хушфёъл бўлиш шахсий ишингиз эмас, балки сиз

қилинг қилаётган жамоанинг умумий ишидир, чунки корхона ҳақидаги фикр

қилиш ишлаётган ходимлар ҳақидаги фикрдан келиб чиқади.

4. Ишнинг мос равишда кийиниш.

Бизнес одамлари учун фақат анъанавий ёки фақат замонавий кийиниш

шарфи. Ташқи кўринишда гап кўп.

5. "Яхши" тилда гапириш ва ёзиш.

Айтади ва ёзганларингиз тарбиянингизни кўрсатади. Шунинг учун ўзингизни

жуда эркин тутган ҳолларда ҳам, тилингизга эрк берманг. Исملарни тулиқ ва

тўғри айтинг. Қўнол сўзларни суҳбатдошингиз қўлласа ҳам, сиз улардан

умуман воз кечинг.

6. Фақат ўш ҳақида эмас, бошқалар ҳақида ҳам ўйлаш.

Атрофдагиларда ўзингизга нисбатан кизиқиш уйғотиш учун бошқаларга кизиқиш билан қаранг. Яхши, самимий тингловчи бўлинг.

10-топшириқ. Матнда учраган нотаниш сўзлар луғатини тузинг.

11-топшириқ. Матни ўқинг. Уни рус тилига таржима қилинг.

БЎШ ВАҚТ

Вақтдан тўғри, унумли ва самарали фойдаланиш келажакни ўйлайдиган инсонга хос хусусиятдир. "Вақтинг кетди — нақдинг кетди" деб бекорга айтилмаган. Бўш вақт дам олиш, маданий ҳордиқ чиқариш, китоб ўқиш, ақлий ва жисмоний қобилиятни мустаҳкамлаш ва қайтадан тиклаш учун зарур. Бекорчилик эса турли жиноятлар содир этиш, ичкиликка, чекишга ружу қўйиш, нопок ишларга шароит яратади.

Ўйку дам олишнинг лаззатли онларидир, ухлаш киши организмни кучга тулдиради, ақлан тетик қилади, меҳнат қобилиятини юксалтиради, саломатлигини яхшилади. Лекин кўп ухлаш ёмон одат бўлиб, инсонни ланж қилади, рухий ҳолатини, юз киёфасини ўзгартиради.

Талабалар ўзларининг бўш вақтларида қуйидагилар билан шуғулланишлари мумкин: китобхонлик, эстетик маданиятни ўстириш, жисмоний чиниқиш, ақлий камолотга интилиш, экологик маданиятни шакллантириш, миллий кадриятларни асраб-авайлаш ва давом эттириш.

Луғат

Самарали – эффективный

Нақд – наличный, здесь: деньги

Ҳордиқ чиқариш – отдыхать

Тиклаш – восстанавливать

Бекорчилик – бездельничество

Жиноят – преступление

Ружу қўйиш – пристраститься

Нечистый – нечистый

Нясти ёшлар – приятные минуты

Озир – бодрый

Танф – веплий

Тўхтай холат – психическое состояние

Тўхтай чиникиш – физическая закалка

Ушай камолот – умственное совершенство

Ушайлик маданият – экологическая культура

10. **Танширик.** Қуйидаги гапларни тўлдириг. Масалан:

*Ашадлиқлик — мустақил ўқиш учун бадиий, техник, ихтисослик буйича китоб
Дунё, газета, журналлар ўқиш.*

Ушайлик маданиятни ўстириш -

Тўхтай чиникиш –

Ушай камолотга интилиш –

Ушайлик маданиятни шакллантириш –

Ушайлик қадриятларни асраб-авайлаш ва давом эттириш -

*Ўқим учун сўзлар: ижодий иш, қулолчилик, саёҳат, кўргазма, тўғарак, сайр,
ашадлиқлик, телекурсау, кўрик-танлов.*

11. **Танширик.** Ҳўш вақтда нима билан шуғулланишингиз ҳақида гапириб беринг.

12. **Танширик.** Машҳур инсонларнинг хоббилари ҳақида кичик хабар тайёрланг.

Бу хабар интернет материалларидан фойдаланинг

13. **Танширик.** Қуйидаги сўзларни қўшимчалар билан ўзгартиринг. Бу сўзлар
қўшимчалар билан тузинг. Масалан:

*Ёшлар – ёшнинг – ёшим – ёзишигизга - Ёшлигимда шеър ёзишни кўп машқ
қилдиман. Ҳар кун хат ёзишигизга сира ишонмайман....*

Қўшимчалар: ёш, интилаш, тўқиш, гапирмаслик, қувониш, кеч қолмаслик, дам

олиш.

16-тоиширик. Ўзбекистон телевидениесининг қайси каналларини томоша қиласиз? Ўзингиз қандай кўрсатувда иштирок этишни истайсиз? Шу мавзуда ролли уйин утказинг.

17-тоиширик. Матнии ўзбек тилига таржима қилинг. Чол набирасига нимани тушунтирмоқчи булганини айтинг.

ОБЫКНОВЕННЫЙ ЧЕЛОВЕК

В жаркой сухой степи — колодец. Возле колодца — изба. В ней живут дед с внуком.

У колодца на длинной веревке — ведро. Идут, едут люди, заворачивают к колодцу, пьют воду и благодарят деда.

Однажды, когда внук доставал воду, веревка оторвалась и ведро упало в колодец. Колодец был глубокий.

— Дедушка, ведро упало в колодец. Что теперь будем делать? — спросил внук, чуть не плача.

— Другого ведра у нас нет. Подождем проезжих, — сказал дед. На другой день утром подъезжает к дедовой избе мужик на телеге. Под соломой у него ведро. Проезжий посмотрел в колодец, глянул на деда с внуком, ударил кнутом лошадей и поехал дальше. — Что это за человек? — спросил внук.

— Это не человек, — ответил дед.

В полдень проезжал мимо дедовой избы другой человек. Он достал из-под соломы ведро, привязал к веревке, достал воды, напился сам, дал напиток деду и внуку, вылил оставшуюся воду в сухой песок, спрятал ведро опять в солому и поехал.

— Что это за человек? — спросил внук вновь.

— И это еще не человек, — сказал дед.

Потером остановился у дедовой избы третьей проезжий. Он достал из телеги ведро, привязал к веревке, набрал воды, напился, поблагодарил деда и поехал дальше, а ведро оставил привязанным у колодца.

— А это что за человек? — спросил внук.

— Обыкновенный, сынок, — сказал дед.

18-төнширик. Қавсдағи феълларни тегишли шаклда қўллаб, гапларни қўчириңг.
Масалан: *Муסיқа (тингламоқ) қиз бизнинг гуруҳимизда ўқийди - Муסיқа*
интиқилган қиз бизнинг гуруҳимизда ўқийди.

Шунино (чалмоқ) бола ўтган йили республика танловида биринчи ўринни
качирган. Мен эмас, хонада китоб (ўқимоқ) йигит сиз билан танишмоқчи
эди. Маррага биринчи бўлиб (етиб келмоқ) енгил атлетикачи Учқўрғонда
тутишиб ўсган экан. Қушиқ куйлаб кашта (тикмоқ) гузал қизлар “Машхура”
ўқув марказини тамомлаганлар. Балиқ (овламоқ) киши олов (ёқмоқ)
бўлганини отаси билан бир жойда ишлайди. Автомобилсозлик
маънақатимизда (ривожланмоқ) янги соҳалардан биридир.

19-төнширик. Ишбилармонлик, тежамкорлик, ташаббускорлик, меҳнатсеварлик
сифатли мақоллардан дафтарингизга ёзинг.

20-төнширик. Суз ўйинида иштирок этинг. Ўйин шarti - биринчи сузнинг охириги
сўзи (уч) ҳарфи иккинчи сузнинг биринчи икки (уч) ҳарфи бўлиши керак. Масалан:

Дорамид - адолат - атторлик - иккиламчи - ...;

Ўзбўриқар - корхона - оналик - ликонча -

10. СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ

1-топширик. Матини ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўзларнинг маъноларини изоҳланг.

ЧАРМ ҚЎЛҚОП УСТАЛАРИ ★

Ўзбекистоннинг профессионал боксда ҳам ўз чемпиони бор. Руслан Чагаев россиялик жаҳон чемпиони Николай Валуевни мағлубиятга учратиб, энг *цуфзули* халқаро бокс ташкилотининг *олтин камарига* эга бўлди.

Тўғри, бу бизнинг юртимизга ташриф буюрган биринчи камар эмас. Ўз вақтида Артур Григорян WBO йўналишининг камарини бир неча йил давомида ҳеч кимга бермаганини барчамиз яхши биламиз.

Сиднейда ўтган олимпиада финалида америкалик *рақибини таслим қилган* Муҳаммадқодир Абдуллаев Ўзбекистон байроғи баланд ҳилпирашига сабабчи бўлган эди.

Шунингдек, юртдошларимиз бокс бўйича жаҳон ва Осиё чемпионатлари, олимпиада ва Осиё ўйинлари *шоҳсупаларига* мунтазам равишда кўтарилмоқда. Ўткирбек Ҳайдаров, Рустам Саидов, Алексей Михайлов, Жасур Матчонов ва бошқалар ўзбек бокс мактаби *голибона анъаналарини* давом эттиришмоқда.

2-топширик. Матини ўқинг. Иккинчи, учинчи, еттинчи ва охириги гапдаги фикрларини бошқа сўзлар ёрдамида ифодаланг. Масалан:

Мусобақани йилнинг энг совуқ ойларида тоғли ҳудудлардан бирида ўтказиш эҳтимолли бор – Мусобақа қишда тоғли ҳудудда ўтказилиши мумкин.

ШАХМАТЧИЛАР БАЙРАМИ



1924 йили таъсис этилган Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) қарорига биноан 1966 йилдан буён 20 июлда бутун дунёда Халқаро шахмат куни нишонланади.

Расман эътироф этилишича, уйин V асрда Ҳиндистонда пайдо бўлган эмиш. Унинг номи барчамизга тушунарли, яъни

*гор-мор этилди, чорасиз қолди, таъбир жоиз бўлса, “улди” деган
маънони ташлашиди.*

*Хавари олимпия кумитаси (ХОК) 1999 йили ФИДЕни расман тан олган.
1997 йилининг 30 июль кунини ФИДЕ Швейцариянинг Лозанна шаҳрида
қароргоҳидан ХОК қароргоҳида ўз ваколатхонасини очди.*

*ХОК шахматни қишки олимпиада дастурига киритишни тавсия қилмоқда.
Шахмат Сочида утадиган 2014 йилги қишки олимпиада дастуридан жой
олини мумкин.*

*40 июлда турли мамлакатлардаги каби диёримизда ҳам кўплаб шахмат
мухлислари ўз мусобақаларини ташкил этишади ва 64 катакда аёвсиз жанг
олиб боришади.*

*Шахмат тарихига Ўзбекистон номи абадий битилган. Чунки ҳамюртимиз
Рустам Қосимжонов 2004 йили жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди ва
Ўзбек шахмат мактабининг шуҳратини оламга ёйди. Шунинг учун ҳам
Рустам давлатимизнинг юксак мукофоти – “Амир Темури” ордени билан
тақдирланди.*

Дугат

Тавсис этилган – учрежден

Расман эътироф этилишича – по официальному утверждению

Гор-мор этилди – уничтожен

Таъбир жоиз бўлса – если можно так сказать

Қароргоҳ – резиденция

Николатхона – представительство

Мухлис – болельщик

Аёвсиз – беспощадный

Битилган -записан

Уштоншириқ. Матни давом эттиринг.

УНИВЕРСИАДА

Юртимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан фарзандларимиз қалбида спортга меҳр ва ҳавас уйғотишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўқувчи ва талабалар, аёллар, ногиронлар спорт билан шуғулланишлари учун зарур шарт-шароит яратиш давлатимиз диққат марказида турибди. Шаҳар ва қишлоқларда, мактаб, лицей ва коллежларда, олий ўқув юртлири қошида энг замонавий талабларга жавоб берадиган спорт мажмуалари ва иншоотлари барпо этилмоқда.

Бундай кенг қўламли ишлар самара бераётгани барчага маълум. Руслан Чагаев ва Рустам Қосимжонов, Муҳаммадқодир Абдуллаев ва Армен Багдасаров, Дилшод Мансуров ва Абдулла Тангриев, Гузал Хуббиева ва Мафтуна Тухтасинова, Рустам Саидов ва Уткирбек Ҳайдаров каби ёшларимиз энг нуфузли халқаро мусобақаларда ёрқин ғалабалари билан Ватанимиз шухратини тараннум этиб, дунё аҳлини ҳайратда қолдирмоқда.

Уч босқичдан иборат узлуксиз тизим - “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва “Универсиада” уйинлари ёшларнинг спортга қизиқишини янада оширди...

Луғат

Ҳавас – желание, увлечение, склонность

Диққат марказида – в центре внимания

Мажмуа – комплекс

Барпо этмоқ – построить

Кенг қўламли – широкомасштабный

Тараннум этмоқ – воспевать

Ҳайратда қолдирмоқ – удивлять

Узлуксиз тизим – непрерывная система

4-топшириқ. Қуйидаги сўзларнинг синонимларини топинг.

Диёримиз, мустақиллик, соғлиқ, ютуқ, кийин, беллашув, ихлосмандлар, куйламок, курмок.

Алтишарик. Қуйидагилардан фойдаланиб, кучирма гапни конструкциялар тузинг, улардан Ултишарик гапларни хосил қилинг. Масалан:

*100 метрга сузиш буйича мусобақалар эртага булиб утади, - деди шарҳловчи.
Шарҳловчи эртага 200 метрга сузиш буйича мусобақалар булишини айтди.*

Мусобақаларда учинчи ўринни Самарқанд вилояти жамоаси эгаллади. Умумжамоа ҳисобида кумуш медалга Наманган вилояти талаба-спортчилари савобдор бўлишди. Энг юқори натижага - универсиада ғолиблигига Тошкент шаҳри жамоаси эришди. Навбатдаги универсиада Андижон шаҳрида утади.

Алтишарик. Шеърни ёд олинг.

КУРАШ

Битиб Ҳазрат Одам Атодан мерос,
Бирдунгит бобони қўллаган кураш.
Эксевар, эрксевар Тумарисга хос,
Алтишарик бахтга йўллаган кураш.

Одмирод наслида бўлмасин нураш,
Эксевар, давлатлар, китъалар, бирлаш.
Давлатда, гиламда, майдонда сирлаш,
"Битиб" дегину ўзбекча кураш.

Одмирод зангори, ниятлари ок,
Им-инил улқада бўй чўзи умид.
Панжон ўғлонларга кунгиллар мушток,
Хар-онда уйғонсин Паҳлавон Маҳмуд.

Одмирод наслида бўлмасин нураш,
Эксевар, давлатлар, китъалар, бирлаш.
Давлатда, гиламда, майдонда сирлаш,
"Битиб" дегину ўзбекча кураш.

Луғат

Мерос – наследие

Элсевар – патриот

Эрксевар – свободолюбивый

Нурамоқ – свалиться, рухнуть

Сирлашмоқ – секретничать

Курашмоқ – бороться

Буй чўзди – вырос

Кунгиллар мушток – душа желает, ожидает

7-топширик. Матнини ўқинг. Нима учун у шундай номланганини тушунтиринг.

СПОРТ ВА МУХЛИСЛАР УРТАСИДАГИ КЎПРИК

Ҳар йили 2 июлда Халқаро спорт журналистлари куни нишонланади.

1924 йилнинг 2 июлида Франция пойтахти Парижда янги халқаро ташкилот – Спорт журналистлари ассоциацияси (АИПС) ташкил этилган эди. Ушбу ташкилот мусобақаларни ёритишда журналистларнинг ҳуқуқларига риоя қилинишини таъминлаш, хорижий ҳамкасблар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш, тажриба алмашиш, энг янги технологияларни спорт журналистикасига татбиқ этиш каби масалалар билан шуғулланади.

Унинг сафи йилдан йилга кенгайиб бормоқда. Ҳозирда дунёнинг турли қитъаларида 30 мингдан зиёд спорт журналисти фаолият кўрсатади. Уларнинг 10 мингга яқини АИПС аъзосидир. Шунингдек, 150дан зиёд мамлакатда тузилган спорт журналистларининг миллий ассоциациялари АИПСга бирлашган.

8-топширик. Матни рус тилига таржима қилинг, ундаги таянч суз ва ибораларни кўчириб ёзинг, улар ишгирикида гаплар тузинг

“ЕВРО-2012” НАМОЙИШИ УЧУН МИЛЛИАРД

Футбол бўйича 2012 йилги Европа чемпионати Украина ва Польша стадионларида утказилиши режалаштирилган.

Чемпионат учрашувларини телекоммуникация воситалари орқали намойиш қилиш ҳуқуқи бир миллиард еврога сотилди. Бу янги рекорд бўлди.

Шекин Европа футбол федерациялари уюшмаси (УЕФА) ҳамда чемпионат ташкилотчилари Украина ва Польша катта даромад олиши уз-ўзидан бўлмайдди. Чунки беллашувларни нафақат телевидение, балки интернет ва мобил телефонлар орқали олиб кўрсатишни таъминлайдиган замонавий интернет технологиялар харид қилиниши ва ишга туширилиши талаб этилади.

Ч тошширик. Матни уқинг.

ПРОФЕССОР БЕКХЭМ

Дэвид Бекхэмни бутун дунёда футбол профессори сифатида яхши танишади. У Узининг ажойиб ўйини ва голлари билан шундай хурмат-эътиборга сазовор бўлган. Мадриднинг “Реал” клубини тарк этиб АҚШнинг “Лос-Анжелес Галакси” клубига ўтганидан сўнг Дэвид университетда ҳам профессорга айланмиш имконига эга бўлди.

Жанубий Калифорния университети Бекхэмга “Футбол қандай қилиб оламни ўн арғирди” мавзусида маърузалар ўқишни таклиф этди.

Университет профессори, “Спортнинг дипломатиядаги роли” мавзусидаги маърузалар муаллифи Николас Калл инглиз футболчисига дастлабки даврда маърузаларга материал тайёрлаш ва уларни талабаларга етказишда кўмаклашадиган бўлди.

“Female First” журнали Николас Каллнинг куйидаги сузларини келтирган: “Дэвид Бекхэм катта футболни тарк этмай туриб афсонага айланган спортчилардан. У спорт тараккиётига жуда катта таъсир кўрсатганлардан бири. Унинг машғулотлари талабаларимиз учун фойдали ва қизиқарли бўлади деган умиддамиз. Футболга бефарқ бўлганларгина Бекхэмнинг аҳимиятини тушунмайдилар ва унинг номи спорт тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилганини билмайдилар”.

10-топширик. Юқоридаги матн юзасидан саволларга жавоб беринг.

1. Дэвид Бекхэм ким?
2. У қаерда туғилган?
3. Нима сабабдан уни бутун дунё футбол мухлислари танийди, ҳурмат қилади?
4. Қайси жамоаларда ўйнаган ва ўйнаб келмоқда?
5. Сизнингча, футбол қандай қилиб оламни ўзгартирди?
6. Спортнинг халқаро муносабатлардаги аҳамияти нимадан иборат?

11-топширик. Спорт билан боғлиқ таниқли шиорлар, ҳикматли сузлар, мақоллардан ёзинг.

12-топширик. Матнни ўқинг ва нотаниш сузлар маъносини топинг.

КИМ МИЛЛИОНЕР БЎЛИШНИ ХОҲЛАЙДИ?

Спорт маликаси саналмиш енгил атлетика оламида “Олтин лига” баҳслари алоҳида ўрин эгаллайди. Спортчилар ва томошабинларнинг кўзи унгида қиймати миллион долларга тенг олтин ёмбилар тургандан кейин бу ҳақда ўйламаслик қийин бўлса керак.

Аmmo ўша тиллаларни ўзлаштириш жуда мушкул. Бунинг учун лига дастурига киритилган барча олти босқичда фақат биринчи ўринни эгаллаш зарур.

XXI асрнинг дастлабки йилларида миллионерга айланган фақат икки омадли енгил атлетикачини эслаш мумкин. 2003 йили мозамбиклик Мария Мутола, 2005 йили уч ҳатлаб сакраш устаси россиялик Татьяна Лебедева олтин ёмбилар соҳибаси бўлишган.

2005 йили миллионни “арралашга” туғри келган. Америкалик Жереми Уоринер ва Саня Ричардс ҳамда ямайкалик 100 метрга югуришда жаҳон рекордчиси Асафа Пауэлл совринни бўлиб олишган.

13-топширик. Матнни ўқинг. Ўзингиз билган шу каби ходисалар ҳақида ҳикоя тузинг.

ОЛТИН ЁҒДУСИ КЎЗНИ ҚАМАШТИРГАНДА

Итания пойтахти Римдаги “Олимпико” стадионида “Олтин лига” мусобақаларининг навбатдаги босқичи ўтказилди.

Баш савринни қўлга киритишдан умидворлар орасида финн спортчиси Торо Питкамьяки ҳам бор эди. Лекин Рим унинг учун фақат муаммоларни келтириб чиқарди. Бир томондан, у норвегиялик олимпиада чемпиони Андреас Торкилдсенга ютқазиб қўйди. Аммо бу ҳам ҳали ҳолва экан. Чунки Торо отган найза кутилмаганда чап томонга кетиб қолиб, француз спортчиси Садим Сдирига бориб санчилди. Баъзиларнинг айтишича, Питкамьякининг кўзини олтин ёмбилар “камаштирган” бўлса керак.

Жароҳатланган Сдири тез ёрдам машинасида зудлик билан шифохонага етказилди. Найзанинг учи танага тахминан 10 сантиметрга кириб боргани аниқланди. Сдирининг ўнг буйраги ва жигарига зарар етган экан. Жароҳатланган спортчи аҳволи оғирлашмаслиги учун яна бир неча кун мобайнида Римда шифохонада қолишига тўғри келди.

Дирвокс, бундай кўнгилсизликлар аввал ҳам қайд этилган. Жумладан, Жанубий Африкада олимпиада чемпиони Роман Себрле югуриш мишиқларини бажараётганида елкасига найза теккан. Натижада жаррохлар 11 та чок билан елкани тикишларига тўғри келган.

14-гўлшириқ. Матний ўқинг. Уни қайта сўзлаш учун режа тузинг.

СОЧИ – ҚИШКИ ОЛИМПИАДА-2014 МЕЗБОНИ



Халқаро олимпия қўмитаси(ХОК)нинг Гватемалада ўтган сессиясида 2014 йилги қишки олимпиадани Россиянинг Сочи шаҳрида ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Россия илк мартаба қишки олимпиада мезбонига айланадиган бўлди. Уч йиллар орасида курашдан аввал Австриянинг Зальцбург шаҳри чиқиб кетди. Сунгра Кореянинг Пхенчхан шаҳри олимпиададан бенасиб қолгани маълум бўлди.

Сочининг устунлиги нималарда акс этади?

Биринчи навбатда, Сочида деярли барча иншоотлар энди қурилади. Демак, улар барча замонавий талабларга жавоб берадиган бўлади. Австрия ва Кореяда эса қатор иншоотлар аввал қурилган ҳамда давр ўтиши билан эскириб бораверади.

Иккинчидан, сайёрамизда йилдан-йилга қор муаммоси қишки спорт мусобақаларини ташкил этувчиларни қийнаб келмоқда. Кореяликлар сунъий қорни зарур ҳажмда ишлаб чиқара олишларини айтишди. Сочида эса хатто май ойида ҳам қор муаммоси йўқ.

Учинчидан, Сочида олимпиада билан боғлиқ барча иншоотлар ва мусобақа арсеналари бир-бирига жуда яқин жойлашади. Бу эса томошабинлар ва спортчиларга катта қулайлик яратади.

Олимпия шаҳарчасида истиқомат қилувчи спортчилар муз саройига пиёда юриб 10 дақиқада етиб олишади. Олимпия парки бўйлаб мунтазам ҳаракатланувчи электромобилларда эса ундан ҳам тезроқ. Соғлом турмуш тарзи тарафдорлари ижарага текин тақдим этиладиган велосипедлардан фойдаланишлари мумкин.

Бир кунда ишқибозлар уч-тўртта мусобақани бевосита кузатиш имконига эга бўлишади. Бу томошабинларга албатта маъқул тушади.

Туртинчидан, олимпиада муносабати билан дунё миқёсида турли спорт турлари бўйича нуфузли мусобақалар ўтказиладиган янги мажмуа қурилади. Олимпиада объектлари мусобақалардан кейин ҳам минтақада спорт ва соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга хизмат қилади.

Бешинчидан, Сочи халқаро аэропорти олимпия мажмуасидан бор-йўғи 40 дақиқалик масофада. Бу делегациялар ва ишқибозларнинг келиб-кетиши учун қулайлик яратади.

Дарвоқе, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси Тошкент-Сочи йўналишида мунтазам қатновларни бажаради. Вақти етиб, насиб этса, ушбу қатновда олимпиячиларимиз ва ишқибозларимиз Сочи-2014 мусобақаларига бориб-келишади.

15-топирик. Матни уқинг. Гиннес рекордлар китобига кирган бошқа спортчилар ҳақида маълумот тайёрланг. Бунда интернет хизматидан фойдаланинг.

КОМЭНЕЧ - ГИННЕСС РЕКОРДЛАР КИТОБИДА

Жаҳон спорт гимнастикаси афсонасига айланган машхур румин спортчиси Надя Комэнеч Гиннес рекордлар китобига олимпиада мусобакаларида медаллар ўртасида энг юкори – 10 балл баҳо олган биринчи гимнастика устаси сифатида киритилди.

1976 йили Канаданинг Монреаль шаҳрида ўтган олимпиадада 14 ёшли Комэнеч учта олтин медалга сазовор бўлган эди. Ушанда хакамлар унинг ижроси учун жами етти марта 10 балл қўйишгани тарихда қолган.

16-топирик. Матнларни ўқинг. Уларда баён этилган воқеаларга ўз муносабатингизни билдиринг.

МАНЧЕСТЕР ЮНАЙТЕД – КЛУБ ВА ОДАМ

Неми-шарифини ўзгартирган фанатни биласизми?

Болгариялик футбол ишқибози Марин Здравков бугун ўзини жуда бахтиёр ҳис қилмоқда. У яқинда Англияга ташриф буюриб, ўзининг исми ва фамилиясини Манчестер Юнайтедга ўзгартирди.

Мен жуда ҳаяжондаман. Бир умр шу шаҳарга ташриф буюришни ва “Олд Траффорд” стадионига кириб, майдонни кезиб чиқишни орзу қилардим. Майсага қадам қўйганимда, очиғи, кўнглим тўлиб кетганидан хўнграб йиғлаб юбордим. Бу лахзалар умримдаги энг бахтли онлар. “Юнайтед” менинг бор пужудим, қалбим, менинг оилам, - деди янги Манчестер Юнайтед.

БОКС ҚУРБОНИ



Буюк Британияда она янги туғилган кизига ўта ғайритабиий исм қўйибди. Туғилганига энди икки ой бўлган қизалоқ Отэм Брауннинг тула оти 25 боксчининг исмидан иборат.

"Daily Star" хабар беришича, Пертон шаҳри фукароси 33 ёшли она оилави анъанани бузмаслик мақсадида шундай йўл тутганини тушунтиргани диққатга лойик. Боксга муккасидан кетган ота-онаси учта фарзандига қўйган номлар жами 103 та исмдан таркиб топганидан хайратга тушмасликнинг иложи йўқ.

- Мен 10 ёшга тулгунича ўзимнинг тулик исмиمنى ёдлаб ололмаганман. Отэм ўз исмидан ранжимамай, уни бир ҳазил сифатида қабул қилади, деб ўйлайман. Ахир ҳеч қандай ёмон иш қилмадик-ку, - дебди она "Express and Star" газетасига берган интервьюда.

Буюк Британияда ота-она фарзанди дунёга келганда унга битта ёки бир нечта иккинчи исм қўйиши мумкин. Хуллас, қизалоқнинг тулик исми билан танишинг: Отэм Салливан Корбетт Фитцсиммонс Жеффрис Харт Бернс Джонсон Уиллард Демпси Тюнни Шмелинг Шарки Карнера Баер Брэддок Льюис Чарльз Уалкотт Марчано Паттерсон Йоханссон Листон Клэй Фразье Форсман Браун.

17-топширик. Спорт турларининг номидан ташкил топган кроссворд тузинг.

18-топширик. Матни ўзбек тилига таржима қилинг.

ЧТО ВЛИЯЕТ НА ЗДОРОВЬЕ ЛЮДЕЙ?

Абул Баракат Кадырий ибн Мухаммад Насруллах (15-век) в своей книге «Качкули Султания» («Книга султанов») пишет:

Следующие факторы плохо влияют на здоровье людей:

- употребление спиртных напитков, курение;
- неосторожное отношение с животными (ставить перед ними пищу, воду, которую человек хочет позже употребить);
- чересчур много кушать, есть слишком горячую пищу;
- расчесывать свои волосы чужой расческой;
- оставлять открытой посуду с чистой водой, вообще, с пищевыми продуктами;

— носить шёлковой одежду, в которую в данный момент одет человек;

— быть злым и коварным, всегда думать о плохом.

А следующие факторы благоприятно влияют на здоровье людей:

— мало есть, мало говорить, меньше спать, душиться приятными духами, часто купаться;

— часто чистить зубы, чисто и красиво одеваться, вовремя стричь волосы и ногти;

— быть приветливым и искренним, добрым и радушным во всех отношениях, помогать слабым и малоимущим людям.

19-гөнширик. Юкорида курсатилганлардан ташқари, яна қайси ҳолатлар инсон сийоматлигига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши хақида фикрингизни ёзма баён этинг.

20-гөнширик. Шеърни ўқинг, мазмунини сўзлаб беринг. Сарлавҳани изоҳланг.

ЯШАШГА НЕ ЕТСИН

Яшашга не етсин!.. Дунё – сеҳрли,

Ўлгунча сеҳрига тўймайди кўзинг.

Бошингдан гоҳ нурдай қуяр меҳрини,

Гоҳ тошлар ёғдирар – етмайди тўзим.

Гоҳ қорин ғамида чекасан заҳмат,

Обру талашмоқдан гоҳ дилда тугун...

Аммо чин яшашни истасанг, фақат

Ўзбекистон учун яшамоқ мумкин.

Ўлим ҳам бор нарса – калхатдай учар

Чумчуқдай жонингни бергани қурбон.

Бировинг титраган товуши ўчар,

Биров уз ғамида адойи тамом.

Майли, улимни ҳам айлагин ҳурмат,
Бандаси дунёдан битта он қарздир...
Чиндан қурбонликка жаҳд қилсанг, фақат
Ўзбекистон учун жон бермоқ арзир.

Мангу яшамокнинг сирими? Ошкор!
Бекорга ҳар тараф урингайдирсан:
Магарким, жон бердинг юрт деб неча бор,
Ончаким, қайтадан тирилгайдирсан.

Усмон Азим

Луғат

Тузим – терпение
Заҳмат – труд, трудность
Дилда тугун – здесь: на душе тайна
Обру – уважение, авторитет
Қалҳат – қоршун
Қурбон – жертва
Титрамоқ – дрожать
Адойи тамом – измучен, изведен
Жаҳд қилмоқ – стараться, усердствовать
Ошкор – открыто, здесь: известно
Уринмоқ – стараться, пытаться
Магарким (агар) – если
Ончаким – столько же раз
Тирилмоқ – оживать

21-топширик. Университет(институт)ингизда қандай спорт секциялари ишлаши ҳақида дустингиз билан суҳбат қуринг, суҳбатни дафтарингизга ёзинг.

22-топширик. Матнини уқинг. Гиёҳвандликка қарши кураш ҳақидаги маълумотлар асосида маъруза тайёрланг.

ГИЁҲЛАР ВА ГИЁҲВАНДЛИК

Қадим замонларда беморларни даволаш учун аксарият ҳолларда табиблар табиий гиёҳлар ва уларнинг илдизидан дори-дармон тайёрлашган.

Ҳамоноавий медицинада кимёвий элементлар билан бир қаторда доривор ўсимликларга катта эътибор берилади. Шифокорлар уларни инсон саломатлигини сақлаш, турли касалликларнинг олдини олиш, беморларни даволаш учун тавсия қилишади. Дорилар таркиби билан танишсангиз, уларда турли табиий гиёҳлар борлигига ишонч ҳосил қиласиз. Айниқса, фитобарлар кўпайиб бораётгани табиатга ишончни тасдиқлайди.

Лекин гиёҳ ва гиёҳвандлик сузлари бир узакдан ҳосил бўлганига қарамай, биринчиси инсонга бахт ато этса, иккинчиси бахтсизлик келтиради. Афсуски, турли китъаларда, турли мамлакатларда сўнги йилларда ёшлар аср вабоси деб номланган гиёҳванд моддаларга ружу қўйиши кўпайиб бораётгани кузатилмоқда. Бу нарса оилани вайрон қилади, саломатликни издан чиқаради, бахтни ўғирлайди. Бахтли буламан деган одам гиёҳвандлик кўчасига асло қадам қўймайди.

Гиёҳларга ошно бўлинг – саломат бўласиз!

Тугат

Гиёҳ - трава

Гиёҳвандлик - наркомания

Илдиз – корень

Таркиб – состав

Ишонч – доверие

Бир узакдан ҳосил бўлган – однокоренные

Ато этмоқ – дарить

Аср вабоси – чума века

Ошно булмок- подружиться

23-топширик. “Фитнес-клуб ва биз” мавзусида кичик ҳикоя ёзинг. Қуйидаги ёрдамчи материалдан фойдаланишигингиз мумкин.

Талаба кўп вақтини ўтирган ҳолда ўтказди.

Шунинг учун у кўп ҳаракат қилишга интилиши зарур.

Фитнес замонавий спорт мажмуаси бўлиб, ...

У ерда биз ...

Мен дўстларим билан ҳар ҳафтада уч марта ...

Фитнес – саломатлик ...

11. УСЛУБЛАР ВА УЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

1-тоғшириқ. Саволларга жавоб беринг:

1. Чегирасизликнинг буйича ёзилган китоблардаги сўзлар оғзаки нутқингиздаги сўزلардан нимаси билан фарқланади?

2. Галета мақоласида кўпроқ қандай сўз ва ибораларни учратиш мумкин?

3. Ариш ёнанингизда одатда қандай қолип иборалардан фойдаланасиз?

4. Бадиий исарларни ўқиганингизда нима учун таъсирланиб кетасиз? Бунга қандай сўзлар сабаб бўлади?

Тўғриги материал: бадиий такрор, атамалар, баландпарвоз гаплар, мижҳуллик нисбатидаги феъллар, шевага хос сўзлар, товушларнинг тушиб қолниши, узгариши, ундовлар, канцеляризмлар, қолип ва клишелар, тасвирий юсутиллар.

2-тоғшириқ. **Ўзбек тилидаги асосий нутқ услубларини эсланг ва уларни санаб беринг.**

3-тоғшириқ. **Матни ўқинг. У қайси услубга хос экинлигини аниқланг ва фикрингизни асосланг.**

АЙЛАНА ВА ДОИРА

Атрофимизда думалоқ нарсалар жуда кўп. Уларнинг баъзилари доирани эслатади. Булар — оби нон ва қуймоқ, медаль ва тангалар, лимон бўлаги...

Чини бошқалари, масалан, ҳалқа, велосипед ғилдираги, узук кабилар айланага жуда ўхшайди.

Айлананинг доирадан нима фарқи бор? Айлана билан чекланган нарсаларнинг ҳаммаси — доира. Айлана эса шу доиранинг четларигина, ҳолос.

Айлана — фақат чизик. Оқ қоғоз устига стаканни қўйиб, атрофидан қалам юргизиб чиқсак, ҳосил бўлган ингичка думалоқ чизик айлана бўлади.

Айлана чизиш учун циркулдан ҳам фойдаланиш мумкин. Агар циркуль бўлмаса, қоғоз варағини ёғоч тахтача устига қўйиб, ўртасига битта кнопка

қаданг, тагига пишиқ ип боғлаб қуйинг, ипнинг иккинчи учига қалам боғланг. Қаламни ип боғланган жойидан ушлаб, таранг тортинг-да айланма чизик чизиб чиқинг, шунда айлана ҳосил булади.

Доира — ясси шакл, уни қирқиб тайёрлаш мумкин. Ҳали чизган айланангизни атрофидан қайчи билан қийиб чиқсангиз, доира ҳосил булади.

Циркуль қуйиладиган ёки ҳалиги кнопка қадаладиган нуқта айлана ва доира маркази ҳисобланади.

Лимон булагии ва велосипед гилдирағии марказини топиш осон.

Луғат

Эслатмоқ – напоминать

Оби нон – лепешка

Қуймоқ – здесь: блинчик

Ҳалқа – кольцо, звено

Четлари – края

Боғламоқ – завязать, привязать

Таранг – тугой, туго

Ясси – плоский

Қиймоқ - разрезать

4-топшириқ. Фикрини давом эттиринг.

Зарғалдоқлар — жуда фойдали қушлар. Улар боғ ва ўрмонлар учун зарарли бўлган, лекин бошқа паррандалар ёқтирмайдиган захарли, сертук капалак куртлари, дарахтларда яшайдиган кунғизлар, чигирткалар билан озикланадилар.

Зағчалар турли зараркунанда ҳашарот: тиллақунғиз, барг курти ва бошқаларни кириб, қуп фойда келтиради. Зағча болалари қафасда яшашга тез ўрганади...

Луғат

Гармонок - ширна
Гароук - кушечкай
Гаро - тушница, червь
Гаронок - жук
Гароука - кушечик
Гарока - сорока
Гароунида - вредитель
Гароунигиз - хрущ
Гаронок - истреблять

Аттиширик. Матни укинг. Улчов бирликларини билдирувчи сўзларни кучириб
бонит, уллар билан сўз бирикмаларини тузинг.

ТАҲРИДДИН БОБУР: «УЛЧОВ БИРЛИКЛАРИНИ БИЛ, БУ БИЛИМДИР»

Улчов бирликлари қадим замонлардан бери мавжуд. Кишилар улардан
сўлашқанда, савдо-сотикда, қурилиш ишларида доимо фойдаланиб
келганлар. Бирликларни ҳисоблаш асбоблари дастлаб инсоннинг қўл ва
оёғи бўлган. Масалан: қадам, қарич, икки эн ва ҳоказо. Шу тахлитда
узунлик, буюм улчамлари, масофа ўлчанган. Бу бирликлардан ҳозирга
қадар фойдаланиб келинади. Бир кунлик йўл, бир қоп, бир коса ва ҳоказо
бирликлар кейинчалик пайдо бўлган.

Бир бир халқ томонидан қабул қилинган бирликлар номи турлича,
бирликларнинг ўзи ҳам жуда кўп бўлган. Бунинг натижасида кўплаб
кўпчиликлар туғилгани туфайли кейинчалик бутун дунёда бир хил
бирликлар қабул қилинди.

Биринчи асрлар давомида ўзгармайдиган бирликлар (эталонлар)
таълими таклиф қилганлар. Масалан, Х. Гюйгенс 1664 йили бир
куннинг бир марта тебранувчи маятник узунлигини узунлик бирлиги қилиб
таълими таклиф қилган. Килограмм, метр 1870 йилларда қабул қилинган.
Метр эталони 1799 йили ясалди. Бир метр учун Ер меридиани чорак

қисмининг ун миллиондан бир бўлаги қабул қилинган, лекин Ер меридиани қайта ўлчанганида (1870, 1872, 1875 йиллар) метр эталонини ўзгартиришга тўғри келди (олдинги ўлчаш билан кейинги ўлчашлар 0,08 мм га фарқ қилади). Шунинг учун 1799 йили ясалган эталон халқаро эталон деб қабул қилинган. *

Бошқа ўлчов бирликлари шу каби ўзгартирилиб, такомиллаштирилиб, аниқлаштирилиб борилган. Бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда.

М.Турдиев

6-топширик. Бирикмалардаги рақам ва белгиларни сўз билан ёзинг.

123-мактаб, 75% , \$ 200, 3.25 марта, 2.5 МБ, 2000-йил, 0.05 г, 3/5 қисм, 8 795 603 сўм , 07.07.07 соат 07 да.

7-топширик. Қуйидаги гапларни тўлдириг.

Европадаги энг узун дарё - Энг кичик қушнинг номи - Эверест – энг Дунёдаги энг бадавлат одам - Инсон учун энг азиз зот - Хитой – Ўзбекистон Миллий университети - Амазонка – энг ... дарё. Шаҳримиздаги энг баланд бино - Дарс жадвалимиздаги энг қийин фан - ...

8-топширик. Матнни уқинг. Унинг мазмунини ёритувчи саволлар тузинг.

АКВАРЕЛЬ

Қадим замонлардан акварель бўёқлари ўзининг нафислиги ва рангларининг ёрқинлиги билан рассомларни қизиқтириб келган. Акварель бўёғи таркибига бўёқ моддаси (ўсимлик ёки минералларнинг майин қилиб янчилган қуқуни) ва боғловчи модда — олча елими, глицерин ва озроқ асал қиради. Булар ҳаммаси сувда осонгина эрийдиган бўлгани учун бўёққа сув қушиб суюлтириб ишлатилади.

Акварель билан ишланганда оқ бўёқ ишлатилмайди, унинг ўрнини оқ қоғознинг ўзи ўтайди. Акварелнинг гуашь ёки мойбўёқлардан фарқи унинг тиниқлиги, бўёқларнинг ёрқинлиги ва тозалигидадир. Шунинг учун бу

буёқларни ишлаганда катламлар ниҳоятда юпқа бўлишига ҳаракат қилиш керак. Жуда силлиқ қоғозга буёқ текис суртилмайди, шунинг учун қоғоз остида отарни даражада қалин ва юзаси ғадир-будир бўлиши керак. Ўзинини чеккалари букланиб кетмаслиги учун махсус тахта (планшет)га маҳкамлаб тортиб қўйиш ҳам мумкин.

Акварель буёқлари каттиқ ҳолда тахтачаларда ва юмшоқ ҳолда, тубикларда 14 ва 16 рангли тупламлар ҳолида сотилади. Тупламдаги учта асосий буёқ – кичик, сариқ ва кук жуда сифатли бўлиши лозим. Акварель буёқлар билан сатирморт ишлаганда майин мўйнали, юмалоқ шаклдаги, уч томони илпичкаланиб борадиган мўйқаламлардан фойдаланиш керак. Акварель буёқлари билан расм ишлаганда қоғоз тортилган планшетни тўғри тутиш ҳуна муҳим. Планшетни 30 градус қияликда тутган маъқул.

Барно Азимова

Дути

Нафислик – изящество

Гркишик – яркость

Янчили ан – молотый

Кукун – порошок

Богловчи модда – связывающее вещество

Глим – клей

Ўтамоқ – выполнять, исполнять

Мойбуёқ – масляная краска

Тиник – прозрачный

Батим – слой

Понка – тонкий

Силлик – гладкий

Текис – ровный

Суртмоқ – тереть, втирать

Ғадир-будир – шероховатый

Маҳкамламоқ – прикреплять

Майин – нежный

Муйна – мех

Ингичкалашмоқ – утончатся

Муйқалам – кисточка

9-топширик. Тиниш белгиларини қўйиб, матини кучиринг.

ҲИКОЯТ

Бир ўрдак тиник сувда ойни кўриб уни балиқ деб ўйлади ва сувга шўнғиди лекин ҳеч нарса тополмади Бир неча маротаба шўнғиб чарчагандан кейин ўрдак бу ишнинг баҳридан кечди Бир неча кундан кейин қулга росмана балиқлар сузиб келдилар лекин ўрдак ҳар гал балиқ кўрганда уларни ойнанинг акси деб ўйлаб тутиб ейишга ҳаракат қилмади

Шу тариха янглиш тажриба натижасида у оч қолди

10-топширик. “Янглиш тажриба”га яна қандай мисоллар келтира оласиз?

11-топширик. Матини ўқинг, рус тилига таржима қилинг.

ЛОВИЯ

